



O'ZBEKISTON ADABIYOTI VA SAN'ATI

1956-YIL 4-YANVARDAN SHIQA BOSHLAGAN

АДАБИЙ-БАДИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ, ИЖТИМОЙ ГАЗЕТА

№ 17 (4519) 2019 ЙИЛ 26 АПРЕЛЬ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ИККИНЧИ ЖАХОН УРУШИ ҚАТНАШЧИЛАРИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда 9 май умумхалқ байрами — Хотира ва Қадрлаш куни ўтказилиши, шунингдек, Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлганларнинг хотирасини абадийлаштириш, бугун ҳам сафларимизда туриб Ватан обрў-эътиборини юксалтиришга, ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялашга ҳисса қўшаётган фахрийларни эъзозлаш ҳамда фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 74 йиллиги нишонлини муносабати билан уруш қатнашчилари ва ногиронларини моддий рағбатлантириш мақсадида:

1. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига 7 500 000 (етти миллион беш юз минг) сўм миқдорда бирийўла пул мукофоти белгилансин.
2. Мазкур Фармонни бажариш билан боғлиқ сарф-харажатлар Ўзбекистон Республикаси республика бюджетни маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.
3. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати Молия вазирлиги ва Марказий банк билан биргаликда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига

ушбу пул мукофоти тантанали ва байрамона вазиятда топширилишини таъминласинлар.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Хотин-қизлар кўмитаси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Ўзбекистон Бадий академияси, Республика Маънавият ва маърифат маркази, "Нуроний" жамғармаси ва "Махалла" хайрия жамоат фонди, бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари билан биргаликда Ватанимиз озодлиги ва шаъни-шарафи химоячиларига бағишланган махсус учрашувлар ва маърифий-бадий кечалар ўтказсинлар.

5. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2019 йил 23 апрель

9 май – Хотира ва қадрлаш куни

“ВАТАНПАРВАРЛАР БОҒИ”ДА УЧ АВЛОД УЧРАШУВИ



Қарши шаҳридаги “Ватанпарварлар боғи”да Хотира ва қадрлаш куни олдида “Уч авлод учрашуви” маданий-маърифий тадбири ўтказилди.

Тадбирда юртимиз тинчлиги, халқимиз фаровонлиги йўлида жасорат, матонат ва фидойилик кўрсатган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига юксак ҳурмат-эҳтиром кўрсатилди. Нуронийлар уруш йилларининг ситамли хотираларидан сўзлаб берди,

тинчликнинг не машаққатлар эвазига қўлга киритилганини ёшларга ҳаётий мисоллар билан тушунтирди. Ватанга сидқидилдан хизмат қилиш, унинг тинчлиги ва осойишталигини кўз қорачигидек асраш ҳар биримизнинг бурчимиз экани таъкидланди.

Тадбирда фольклор ансамбллари-нинг концерт дастури, ҳарбий хизматчилар томонидан Ватани улғулаш, фахрийларга эҳтиром кўрсатиш мавзулари ақс этган саҳна қўринишлари намойиш этилди.

ЎЗА фотомухбири Жамшид НОРҚОБИЛОВ олган сурат

Ўзбекистон-Хитой: МАКОН ҲАМ, ЙЎЛ ҲАМ БИТТА – ТАРАҚҚИЁТ!

XXI аср ўз тараққиёт йўлидан оғишмай дунё тамаддуни сари шашт билан интилайётган мамлакатимиз тарихи учун тикланиш, танилиш, ўзлигини англатиш, таъкидлаш жоиз бўлса, ўтмишда оламга донғи таралган улғу аجدодларимизнинг мустаҳкам илдизлари билан боғланиш даври бўлиб қолажак.



Ўтган ҳафтада яқин ҳамкорларимиздан бири – Жанубий Корея Президенти Мун Чжэ Иннинг Ўзбекистонда бўлиши, икки томонлама ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш сари қўйилган дадил қадамлар, қадимдан Буюк Ипак йўли ўтган, дунёда маданий, маърифий, иқтисодий муносабатларнинг боғланишига асос бўлган Самарқанд шаҳрида бўлиши ва бугунгача етиб келган асори-атиқалар қатидан ватани Қурёи изларини топиши том маънода юртимизнинг ўтмишда ҳам оламга мунаварлик таратиб турган маданий маконлардан бири бўлганини исботлайди.

Ҳафта ўтмай, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг таклифига биноан 24-27 апрель кунлари “Бир макон, бир йўл” иккинчи халқаро форум тадбирларида иштирок этиш учун амалий ташриф билан Хитойда бўлиши ҳам мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрни ва обрў-эътибори юксаклигидан дарак беради.

ОАВда таъкидланаётганидек, сафар доирасида давлатимиз раҳбарининг минтақадаги иқтисодий ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, узоқ муддатли тараққиётнинг янги манбаларини излаб топиш борасидаги шерикликни фаоллаштириш, “яшил” иқтисодиёт ва инновацияларни

илгари суриш каби устувор инфратузилмавий лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан ХХР раиси Си Цзиньпин ва Бутунхитой халқ вакиллари билан учрашуви ушбу стратегик шериклик нуфузи нақадар катталигини англатади.

Ўзбекистон нафақат яқин қўшнилариимиз жойлашган Ўрта Осиё, балки Марказий Осиёда, шунингдек, дунё ҳамжамиятида тинчлик, ўзаро дўстлик, тенг шерикликка асосланган манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш ташаббускори сифатида танилган мамлакат.



“ТОШКЕНТ БАҲОРИ” СЕПИНИ ЁЙДИ



Апрель ойининг гоҳ булутли, гоҳ булутлар орасидан

офтоб мўралаб турган серегин кунларида пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги давлат академик катта театри саҳнаси “Тошкент баҳори” Халқаро опера ва балет санъати фестивалининг чарогон нулларида бурқанди. Бешинчи бор ўтаётган ушбу санъат байрами Маданият вазирлиги, вазирлик қошидаги Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси, Алишер Навоий номидаги театр, “Ўзбекнефтегаз” АЖ ҳамда “Театр дўстлари” клуби ҳамкорлигида ташкил этилди.

— Аънавий тарзда ўтказиб келинаётган мазкур фестиваль санъаткорлар ўртасидаги дўстона ижодий алоқаларни мустаҳкамлаш, Ўзбекистонга ташриф буораётган сайёҳларни юртимиз ҳамда турли давлатлар

опера ва балет солистларининг ижрочилиқдаги энг яхши ютуқлари билан таништиришда муҳим аҳамиятга эга, — деди биз билан суҳбатда театр бадий раҳбари Элдор Азимов. — Фестивалда намойиш этиладиган

опера ва балет спектаклларида театримизнинг етакчи ижодкорлари билан бирга Озарбайжон, Қозоғистон, Россия, Хитой каби давлатларнинг таникли артистлари асосий ролларни ижро этишади.



Ёзувчилар уюшмасида Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, атоқли шоир ва драматург Ҳамид Фулом таваллудининг юз йиллиги муносабати билан учрашув бўлиб ўтди. Адабиёт байрамига айланган ушбу тадбирда шоир ва ёзувчилар, адабиёт ихлосмандлари, ижодкор ёшлар иштирок этишди.

Тадбир доирасида адиб ҳаёти ва фаолияти ҳақида ҳужжатли фильм намойиш этилди ҳамда “Танланган асарлар” китоби тақдими ўтказилди. Ушбу китобдан унинг шеър ва ҳикоялари, жаҳон адабиёти намояндлари асарларидан таржималари, ҳужжатли қиссалари, драматик асарлари, шунингдек, замондошларининг Ҳамид Фулом ҳақидаги хотиралари ўрин олган.

Нур-Султон шаҳридаги Қозоғистон халқ ассамблеясининг муҳташам “Дўстлик уйи”да Ўзбе-

кистонда Қозоғистон йили муносабати билан “Навоий — Шарқ юлдузи” мавзусида халқаро адабий-маърифий анжуман бўлиб ўтди. Қозоғистон Парламенти Мажлиси депутатлари, ҳамдўстлик мамлакатларининг Фавкуллода ва мухтор элчилари, шунингдек, Ўзбекистонлик ижодкорлар иштирок этган мазкур тадбирда Ўзбекистоннинг Қозоғистондаги Мухтор элчиси С. Ниёзжўраев Алишер Навоий асарларида илгари сурилган инсонпарварлик, дўстлик ғоялари ўзбек ва қозоқ халқлари ўртасидаги қардошлиқни мустаҳкамлашга хизмат қилаётганини айтиб ўтди.

Қозоғистон маданият арбоби, адиб, Навоий асарларининг қозоқ тилига таржимони Несипбек Айтули айна пайтада “Лайли ва Мажнун” достонини қозоқ тилига ўғираётгани ҳақида, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси қошидаги Байналмилал адабиёт кенгаши раиси, Халқ ёзувчиси Муҳаммад Али мутафаккир бобомис асарлари умрбоқийлиги сирлари, жумладан, инсонни комиллик сари юксалтириш тўғрисида сўзлади. Қозоқ адабиёти кенгашининг масъул котиби Меҳмонкул Исло-

Уюшма фаолиятидан

қулов Алишер Навоийнинг «Маҳбуб ул-қулуб» ва Абай Қўнонбоевнинг «Қора сўзлар» асарларини қиёслаб, уларнинг маърифий-тарбиявий аҳамияти ҳақида тўхтади. Анжуманнинг бадий қисмида Гумилёв номидаги ва Турон университетлари, шунингдек, “Зиё” ўзбек этнолингвистик мактаб ўқувчилари улғу шоир ғазалларини ўзбек, қозоқ, рус ва инглиз тилларида ифозали ўқушди.

Қарши давлат университетининг республика аънавий Зомин семинарининг худудий босқичи бўлиб ўтди. Танлов низомида кўзда тутилган барча йўналишлар бўйича йигирмадан зиёд сурхондарлик ва қашқадарлик ёш қаламкашлар иштирок этди. Семинар иштирокчиларининг ижодий ишлари устозлар томонидан таҳлил этилиб, тегишли маслаҳатлар берилди. Голиблар танловнинг кейин-

ги босқичига йўланма оладилар. Шунингдек, Навоий шаҳрида бўлиб ўтган худудий босқичда бухоролик ва навоийлик ёшларнинг ижодий ишлари таниқли ижодкорлар томонидан муҳокама этилиб, давра суҳбатлари ўтказилди.

Хива туманидаги 17-мактабда Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоира Уллуби Отаева хотирасига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Шу мактабда таълим олган шоирнинг ибратли ҳаёт йўли, ижодий ҳақида хоразмлик ижодкорлар ўз фикрларини ўртоқлашдилар. Тадбир доирасида китоблар кўргазмаси ташкил қилинди.

Ёзувчилар уюшмаси ва Ёшлар иттифоқининг Самарқанд вилоят бўлими раҳбарлигида “Мен нечун севаман Ўзбекистонни?” мавзусида назм йўналишидаги ижодий ишлар танловининг вилоят босқичи ўтказилди. Барча туман ва шаҳарлардан келган ёш қаламкашларнинг шеърлари ҳакамлар ҳайъати томонидан аниқланиб,

голиблар диплом ва эсдалик совғалар билан тақдирланди.

Шунингдек, вилоят бўлими қошидаги «Садоқат» тўғрагининг навбатдаги машғулотида Тожикистон Ёзувчилар уюшмасининг ўзбек адабиёти бўлими раҳбари, шоир Сулаймон Эрматов ва «Овози Самарқанд» газетаси муҳаррири Баҳодир Раҳмонов билан учрашув бўлиб ўтди. Учрашувда дўстлик алоқаларини мустаҳкамлаш йўлидаги эзу ишлар, адабиёт, санъатнинг ривожини ва айниқса, ижодкорларга яратилган имкониятлар ҳақида сўз борди.

Сирдарё вилоят Маънавият ва маърифат марказида “23 апрель — Жаҳон китоб ва муаллифлик ҳуқуқлари куни” муносабати билан китобхонлар билан ўтказилган учрашувда китобнинг аҳамияти, китобхонлик маданияти ҳақида маърузалар тингланди. Тадбирда китоб кўргазмаси ташкил этилиб, иштирокчилар ўзлари севаган асарларни харид қилишди, фаол ўқувчиларга бадий китоблар совға қилинди.

Ўзбекистон-Хитой:

МАКОН ҲАМ, ЙЎЛ ҲАМ БИТТА – ТАРАҚҚИЁТ!

Бошланиши биринчи саҳифада.

Минтақада ўз салоҳиятига эга бўлган Хитой Халқ Республикаси билан йўлга қўйилган ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг илдизлари ҳам қадим муносабатларга бориб тақалиши тарихдан яхши маълум.

Шарқ мамлакатлари – ҳозирги Корея, Хитой, Хиндистон, Малайзия, Индонезия ва Япония каби диёрлардан қунармандлар, савдо вақиллари ўз қаровонлари, билан нафақат аҳоли учун истеъмол моллари олиб келишган, балки бу ҳамкорлик ўзаро маданий алоқаларни ҳам шакллантирган. Ҳитойда Шарқдан чиққан қаровонларнинг Фарба Ҳорта Осиёнинг Шош, Самарқанд, Бухоро, Хива каби маърифатли шаҳарлари орқали ўтиши бевосита улуг аждодларимиз ижодий салоҳияти яратилганининг ҳам оламга ёйилишига сабаб бўлган. Бугунги кунда бу каби муносабатлар илгор технологияларга асосланиб ривожланмоқда.

Мамлакатимиз тараққиётида хитойлик савдо ҳамкорларининг ҳозир ҳам илгорлик қилаётганини алоҳида таъкидлаш керак. Ҳитойдашларимиз мамлакатимизда хитойлик мутахассислар кўмағида 900 кунда Қамчиқ довоиндан 19 километрдан зиёдроқ тунел очилиб, Фарғона водийси билан боғ-

ланадиган темир йўл қатнови ташкил этилганини яхши эслашди. Айнан ана шу бунёдкорлик намунаси ҳам “Бир макон, бир йўл” лойиҳасида юртимизнинг иштирокидан даракдир. Фақат бугина эмас, 2018 йил якуналарига кўра Ўзбекистон-Хитой ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 6,43 миллиард АҚШ доллари ташкил этганига эътибор қаратишимиз ўзи кифоя.

Ўзбекистон—Хитой муносабатлари маданий-маърифий, адабий жараёнларда ҳам юксак даражада давом этмоқда. Хитойда ўзбек тилини ўргатишга бўлган интилиш, мамлакатимизда хитой тилида сабоқ берилётган таълим муассасалари сонининг ортиб бораётгани бу ўзаро манфаатли ҳамкорлик ҳосилидир.

Ўзбек ижодкорлари Хитой адабий муҳити, хусусан, танлар шеърятининг энг машҳур вақиллари сифатида танилган — Ли Бо, Ду Фу ва Бо Цзюйи каби шоирлар, Конфуций таълимоти, ҳозирги замон театр ва кино, тасвирий санъат намояндалари фаолиятига ҳам катта қизиқиш билан қарайди. Айниқса, туризм соҳасидаги ҳамкорлик ҳар икки мамлакат халқлари учун самарали бўлмоқда. Биргина Сидрафил вилоятида “Хитой-Ўзбекистон дўстлик боғи”нинг очилгани ҳам мисол бўла олади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Самарқандда буюк хитой донишманди, Осмоноти ўлкасининг биринчи профессионал педагоги Конфуций ёдгорлик мажмуасининг барпо этилиши бежиз эмас.

Жаҳонга машҳур мутафаккирнинг фалсафий педагогик таълимоти Мовароуннаҳрда дастлаб Самарқандга етиб келганлиги тарихдан маълум. Буюк Ипак йўлининг маркази ва чорраҳаси бўлган, дунё халқлари илми ва маданияти учрашган нуктада жойлашган кўҳна Самарқанд маданият, иқтисодий муносабатлар ривожланган манзил бўлиши баробарида таълим-тарбия ўчоғи ҳам эди.

Қадимдан Самарқанд маданият ва маърифат маркази сифатида хитойлик илм иствчиларда ҳам қизиқиш уйғотиб келган. Машҳур пилигрим, хитойлик роҳиб, аллома, сайёх, файласуф ва таржимон сифатида машҳур бўлган Сюаньцзан (602 — 664 й.й.) Фарғона, Тошкентга саёҳат уюштиришдан ташқари илм олиш мақсадида Самарқандга ҳам ташриф буюргани тарихий манбаларда ўз аксини топган.

Ўзбекистон — Хитой алоқалари бугунги кунда янада янги босқичга кўтарилган. 2018 йилда Пекин шаҳрида бўлиб ўтган халқаро ҳамкорлик бўйича “Бир макон, бир йўл” форумида мамлакатларимиз ўртасида фу-

лажақдаги истиқболли режалар белгилаб олинган эди. Буюк Ипак йўлидаги мамлакатлар ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш мақсадида ташкил этилган бу лойиҳа Ўзбекистоннинг иқтисодий имкониятларини ривожлантириш ва намойиш этишда муҳим аҳамиятга эга бўлди, албатта. Эндиликда Самарқанд давлат университети Улугбек мадрасаси таълим академиясининг давомчиси сифатида ёш авлодни тарбиялашда, маънавий қадриятларни шакллантиришда Конфуций фалсафасидан ҳам фойдаланиб келмоқда.

Бу каби хайри алоқалар Хитой томонидан ҳам алоҳида эътибор, эҳтиром билан қутиб олинмоқда. Масалан, Шанхай университетига Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги дипломатик муносабатлар ўрнатилганлигини 25 йиллиги бўлиши муносабати билан улуг ўзбек шоири Алишер Навоийнинг ҳайкали очилгани ҳам фикримиз исботидир.

Шу кунларда халқимиз давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг Хитойда “Бир макон, бир йўл” иккинчи халқаро форуми тадбирларида иштирокини янада катта қизиқиш билан кузатмоқда. Ўзбекистон Президенти ушбу тадбир доирасида мазкур форумда иштирок этаётган бошқа хорижий давлат делегациялари ва халқаро ташкилотлар раҳбарлари билан ҳам икки томонлама қатор музокаралар ўтказилмоқда.

ОАВ материаллари асосида тайёрланди.

Атоқли адиб, моҳир таржимон ва етуқ олим Пиримқул Қодиров замонавий ўзбек адабиётининг йирик намояндаларидан бири ҳисобланади. Ёзувчидан бизга “Қафтодани кўйиш”, “Жон ширин”, “Кайф” ҳикоялари, “Қадрим”, “Эрк”, “Мерос”, “Яйра институтга кирмоқчи”, “Акрамнинг саргузаштлари”, қиссалари, “Уч илдиз”, “Қора кўзлар”, “Олмос камар”, “Амир Темур сиймоси”, “Юлдузли тунлар”, “Авлодлар довои”, “Она лочин видоси” каби роман, илмий бадиалари мерос қолди. Китобхонлар орасида бу асарларнинг лоқақ биронтасини ўқимаган, ундаги қаҳрамонларнинг қалб руҳий олами, давр зиддиятлари билан курашганларига гувоҳ бўлмаган ўқувчи топилмас керак.

“ЮЛДУЗЛИ ТУНЛАР” ҲАҚИҚАТИ

Айниқса, адибнинг бир қанча тилларга таржима қилинган, жаҳон китобхонларининг юксак эътирофи сазовор бўлган, тарихий ҳақиқатни таъсирчан ёритган “Юлдузли тунлар” романи адабиётимизнинг етуқ намуналаридан биридир. Ушбу асарнинг чоп этилиб ўқувчилар қўлига тегиши билан боғлиқ воқеалар ҳақида ёзувчининг ўзи шундай деган эди:

“1972 йилда романи нашрга топшириганимда тоғдай бир юк елкаман тушадиган бўлган эди. Лекин мустабид тузум таъйиқи остида роман олти йил чоп этилмай ётди. Кўлэмани кўпгина масъул мутасаддилар, катта академиклар ўқиб фикр айтишди. Кўлэманинг сатрма-сатр таржимасини Москвада ҳам ўқиб, ёзма тахрирлар беришди. Хилма-хил фикр ва мулоҳазалар чангагзоридан тиканларга тирналиб ўтди, йўлимдан алашиб кетмаслик учун доим тарих ҳақиқатига, хусусан “Бобурнома” каби асл манбаларга таяилдим. Олти йил давомида романига киритган янги тахрирларим кўпроқ уларнинг бадиий нуқсонларини тузатишга, тарих ҳақиқатини янада чуқурроқ очиб беришга қаратилди. 1979 йилда раҳматли Шароф Рашидовнинг қўллаб-қувватлаши билан роман китоб бўлиб чиқди. 1981 йилда унга Давлат мукофоти ҳам берилганлиги мустабид тузум эҳтидорларининг қаҳрини келтирган бўлса керак, улар Бобур Мирзога қарши янги ҳужумлар уюштириб, мени ҳам роман билан бирга лойқа селлар гирдобига тортиб туширишга уриниб кўрдилар”.

Дарҳақиқат, ўтган асрнинг 80-йилларида роман матбуотда феодализмнинг тартиб қилувчи асар сифатида қораланди. Муаллифга миллатчи, буржуа ёзувчиси деб тўхмат қилинди. Мустақиллик адибни ҳам, романи ҳам халққа қайтарди.

“Юлдузли тунлар” шоҳ, саркарда, шоир Заҳриддин Муҳаммад Бобур сиймоси маҳорат билан акс эттирилган сермиқс бадиий асардир. Асарда, Жавоҳарлар Неру таъбири билан айтганда, “дилбар шахс” Бобурнинг тарих саҳнасига чиққан кундан бошлаб то умрининг сўнгига қадар салкам қирқ йиллик ҳаёти ҳаққоний, теран тавалланган. Жумладан, асарда Бобур мирзо буйруғи билан Уш яқинидаги Боратогда Мулла Фазлиддин нийлӣ гўмбазли шинам ҳужра қурди. Ёзувчи бу воқеанинг тарихан реалистини романда шундай акс эттирган: “Кечки пайт ҳужрада Бобурнинг ёлғиз ўзи қолди. Қўрчилар Бобурнинг қўзига ташланмасликка тиришиб, ҳужранинг орқа томонида кўриқчилик қила бошладилар. ...Бундай тинч, осу-да дамларда уни қороз, қалам ўзига тортарди. Савдарлар ҳужрага олти оёқлик миз келтириб қўйишган. Бобур миз ёнига ўтириб “Вақонг” деб аталган хотира

дафтарини очди. Сўнгги ёзувлари — ўзи яқинида кўрган Қонибодом ва Исфара ҳақида эди. Энди бу ёзувларини давом эттириб, Уш тўғрисида бита бошлади: “Уш қасабаси Андижондан тўрт йнғоч йўлдор... Боратонинг тумшугига тарих тўққиз юз иккида (милодий 1497) мен бир айвонлик ҳужра солдим. Бу ҳужра бисёр яхши воқеа бўлди. Тамом шаҳар ва маҳалла оёғ остидадур...”

Онаси Қутлўқ Нигорхоним билан Бобурнинг нафас олишдаёқ бир-бирларини тушунишлари, инининг Хонзодабегимни наинки сўз, балки юрак билан англай билиши, кетма-кет мағлубиятлар, машаққатли саргардонликлар (Андижоннинг қўлдан кетиши, Самарқанд мағлубияти, Шайбонийхон муҳорабасидан сўнг Хиротта айнан Қобулни пойтахт қилгандан кейин ўзига хо нуфуз билан ташриф буюриши, Ханджа бегим билан бўлган сўхбатдаги дипломатик тартибот, Вадуззамон, Музаффар мирзолар уюштирган зиёфатдаги муносабатларда ўта мулоҳазакорлик, вазимлик каби ҳолатлар Пиримқул Қодировнинг руҳият манзараларини кўрсатишдаги маҳоратидан далolat беради.

Ўзбек романи: кеча ва бугун

Роман қаҳрамони ўз-ўзини ичдан таҳлил этади, ўзга қаҳрамонлар билан баъзан сўз орқали эмас, ичдан мулоқотда бўлади. Хусусан, ўсимирлик чоғида ҳазрат Навоий суратига қараб: “Улуғ амир, насиб қилса ҳузурингизга борсам, йўлимда Акраману аждаҳо учраса, Фарҳоднингизда ҳаммасини ентиб ўтсам. Ушунда сиз менга шеърят тилсимини очувчи қалит берурмисиз?” дея хаёлан сўхбатлашган. Самарқандда ул зотдан табрик мактуби олиб, фахру ифтихор билан севинган темирғошда орадан йиллар ўтиб тақдир тақозоси билан Хиротта борганда Унсияда яшар экан, ўзини мармар зиналарда Алишер Навоийнинг изларидан юриб ўтаётганидек ҳис қилади гўё.

Роман Бобур сиймосини тарихий ҳақиқатта мос тасвирлаши билан ҳам эътиборли. Хумоюн оғир бетоб бўлиб ётганида Бобур фарзандига шундай дейди: “Сенинг бетоқатлигинга мен тоқат келтирай! Сенинг шу оғир лардинини ҳудо сандан олиб менга берсин...”

...Бобур умумий жимликда Хумоюннинг бошидан уч марта айланди-ю: — Э парвардигор! — деб илтижо қилди: — Менки, Бобурмен, агар жон бериш мумкин бўлса, умр-у жонимни Хумоюнга қурбон қилдим! Асроил меннинг жонимни олсин-у, худо Хумоюнга шифо берсин!”

Хумоюн кўп ўтмай тузалади. Бобур қазоси шу воқеаларга тўғри келади. Бу ҳодиса “Бобурнома”, Гулбаданбегимнинг “Хумоюннома”, Хондамирнинг “Ҳабиб ус-сиёр” каби тарихий манбаларда ҳам тасдиқланади. Асарда Бобур шунингдек, оқдид инсон сифатида ҳам кўрсатилади. Айниқса, малика Байда томонидан уюштирилган заҳарланмиш воқеасидан сўнг уч кун деганда ўзига келган ҳолати қўйидагича тасвирланади: “Бошидан ўтган ўлим даҳшатли ҳамон хаёлидан кетмасди. Унинг жони шунча вақт қил учида осилиб турганини ўйласа, беихтиёр ваҳми келарди. Шу қил узилса, ўлим деб аталадиган зулмат қаърига қўлаб тушишини икки кун давомида мутасил ҳис

қилиш унда яшаш истайдиги беҳад кучайтириб юборган эди. Ҳаётнинг бир лаҳзаси, бир учкун дунёнинг барча бойликларини-ю, тож-у тахталаридан ҳам ҳозир эканлиги унга энди астойдил сезилди”. Худди шу ақида “Бобурнома”да “Жон мундоғ азиз нарса эмшики, ким ўлур ҳолатта етса ул билур жон қадрини” дея таъкидланади.

“Юлдузли тунлар”нинг бошқа тилларга таржималари асарнинг 1979—1980-йиллардаги нашридан амалда ошрилган. Бироқ айтиш керакки, романнинг 2000 йилги сўнгги нашрида асар воқеалари бадиий образлар билан янада бойитилганига, тарих зарфарқларидаги саргузаштлар билан сайқалланганига амин бўламиз. Жумладан, унда Самарқанднинг эгалланиши, Аҳмад Танбалнинг кейнати акс этган “Увол бўлган орзулар” бобидан кейинги “Амир Темур сабоқлари”, “Чингизийлар яна ҳукмрон бўлмоқчи”, “Хирот”, “Довулдан олдинги осудалик”, “Ҳиндиқуш, Кобул”, “Улим билан юзма-юз” фаълларида Қутлўқ Нигорхонимнинг ўлига соҳибқирон бобоси Амир Темурнинг қиличи, зуғути ва “Темур тузуқлари”ни мерос сифатида топшириши, Аҳмад Танбалдан Андижон қўрғонини қайтариб олган Бобурнинг уни Чотқол тоғи этақларича таъйиб этиши, Танбалнинг акаси Тилба Султоннинг инисига ён босиши, Хиротдан қайтишда Кобул йўлида аскарлари билан бир сафда туриб улар учун қорда шомолпана қазийши, Кобулда ўзи ҳақида тарқатилган “Бобурни Хиротга Ихтиёрдин қалъасига ҳибс қилишибди” деган фитнани бостирини ва бошқа воқеа-ҳодисалар романнинг 1980 йилги нашрида, афсуски, давр тақозосидан келиб чиққан ҳолда бўлса керак, тўла-тўқис ёритилмаган.

Мухтасар айтганда, қаҳрамон руҳиятини теран, жонли ва ҳаққоний тасвирлаш учун бундай ҳис-туйғуни ёзувчи қалбдан ўзи ҳам ҳис қилмоғи лозим. Пиримқул Қодиров тарихий шахсларнинг ички дунёсига ўз ички дунёси орқали йўл топади. Шу боис ёзувчининг тарихий асарларида XIV—XVI асрнинг нурули сиймолари — Амир Темур, Заҳриддин Бобур, Хумоюн Мирзо, Акбаршоҳ ва бошқаларнинг ёрқин характерлари яратилди. Адиб инсон ва замон феномени, шахс ва ижтимоий муҳит алоқадорлигини ишонарли кўрсатди. Натияжада унинг асарлари нафақат ўзбек, балки қардош ва жаҳон бадиий маданиятида ҳам катта адабий воқеа бўлди.

Барно БҮРОНОВА,
ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори
институтини тадқиқотчиси

ТАҚДИРЛАР ТАЛҚИНИ

Таниқли адабиётшунос, филология фанлари доктори, профессор Нўмон Раҳимжоновнинг бадиий ижод маҳсули бўлган “Жимжит жолалар” тўплами (“O‘zbekiston” нашриёти) тўрт бўлимдан: “Жимжит жолалар” қиссаси, эсселар, замонавий эртаклар ва дил битикларидан иборат.



“Жимжит жолалар” қиссасида тасвирланган манзаралар ўқувчини чуқур ўйга толдиради. Қисса бош қаҳрамони Тўрақулга камбағаллик ота мерос. Тўрақулнинг отаси дарду ҳасратларини ўғлига айтади, чунки бу ҳасратларни бошқа ҳеч ким эшитмайди: “Камбағаллик бедаво касаллик экан, болам. Одамни тириклай ер ютибди, деган гапларни кўп эшитардим. Аслида, одамхўр ботқоқ бу — қашшоқлик экан”.

Қисса камбағаллик оқибатида юзага келган конфликтларга, кескин, қатлиб воқеаларга бой.

Тўрақул отаси камбағаллиги сабабли олиёй ўқув юртига ўқишга, олиёй маълумоти йўқлиги, илмсизлиги сабабли тузукроқ, ўзи истаган ишга киролмаган. У бор иродасини ишга солиб, яхшироқ хунар ўрганиш ўрнига, осон йўл танлаб, дайдилик кўчасига қиради, топган-тутганига сигарет чекади, арок ичади. Ёзувчи қиссада бу антиқаҳрамон руҳий ҳолатини, кайфиятини қизикarli бир эпизодда очиб беради. Тўрақул кўчада бораётганида журналист киз унга микрофон туттиб, чекишнинг зарари ҳақида фикрини сўрайди. Шунда Тўрақул ўзини ростғўй билиб қўлоп жавоб қилади: “Дадам билан попукдек оламни бир кунда ерга қўйдим”. Унинг айтишича, отаси ва опасидан айрилгач, аламиндан чекадиган ва ичадиган бўлибди. “Энди ўғирликни кўнглим тусаб турибди”, дейди. Табиийки бу мулоқотдан сўнг журналист киз нари кетади. Тўрақул ўзини ҳақ деб ўйлайди: “Ҳе саволларинг билан кўшмозор бўл. Нега кўнглимни титқилайсан?... Нега дардимни дастурхон қилмоқчи бўласан!” дейди.

Китобингизни ўқидим

Тўрақул ҳеч кими йўқ, ёлғиз қолгач, фақат ўзининг сояси билан дўстлашди, у билан сўхбатлашди. Қашшоқлиги, чекиши, ичиши сабабли сояси ҳам ундан қочишга уринади. Бир куни Тўрақул ўз соясининг бошини босиб олади ва шундан сўнг эртақдаги каби ажойиб-ғаройиб воқеалар тасвири бошланади.

“Жимжит жолалар” қиссасининг қаҳрамони ҳар тарафлама пишиқ ва пухта ишланган, ижобий тарафи ҳам, салбий тарафи ҳам тўлиқ ёритилган характер. У фель-атворининг қайсибир жиҳатлари билан Абдулла Қодирийнинг Тошпўлат тажангини, Фафур Гуломнинг Шум биласини эслатади. Унинг муҳбир қизга жавобини фақат Тошпўлат тажанг айтиши мумкин. “Жимжит жолалар” китобига сўзбоши ёзган таниқли адиб Хуршид Дўстмуҳаммад бу қаҳрамон характери ҳақида шундай ёзади: “Жимжит жолалар” эссеми? Бадиами? Ҳикоялардан иборат қисса ё романими? Мухими, унда Тўрақул исми инсон образи яратилган! Муаллифдан уни қаерда кўрган, қай тариха унинг мушкуллари ва уқубатларга тўла саргузаштларини бамисолой суратта туширган янглиг сўзма-сўз қозоғга битган?... Бир қарашда Тўрақул танишдек қиёфаси, фель-атвори, ақсари қилиқлари билан атрофимиздаги кимгадир ўхшайди. Андак омадсиз, андак овсар, кўп-қизил хаёлпараст. Ундаги неқбинликни айтмайсизми”.

Асарда ёзувчи камбағаллик ҳодисасининг келиб чиқиш сабаблари, ижтимоий-психологик илдизларини бадиий тадқиқ ва талқин этади. Тўрақулнинг отаси камбағал эди. Бидъат одатлар — дабдабали тўй ва ундан кейинги турли-туман чакриқ, йўқулорлар отани камбағал қилиб қўяди. Бу иллатларни Абдулла Авлоний, Махдумхўжа Бехбудий, Мунаввар Қори каби алломалар ҳам куйиниб танқид қилган эдилар. Аммо бу одамлар ҳануз барҳам топмади. Қиссада тасвирланган воқеалар ва характерлар мантиқига кўра, агар қанда тароф — бадавлат оила вақиласи — қайнона ўзининг бойлигини пеш қилиб, келин томоннинг камбағаллигини рўқач қилавермаганда Тўрақул ота-онасидан ажралиб, ёлғиз қолмасди. Тўрақулнинг қашшоқ, тиланчи бўлиб қолишига ижтимоий тузум, жамият эмас, балки бой қуда хола ва у каби бадфелъ одамлар ҳамда зарарли урф-одатлар айбдор. Қолаверса, бунга Тўрақулнинг фель-атвори, илмсизлиги айбдор. У бозордаги бир катта тош устини “дўкон” қилиб, темир-терсақ сотиб уч-тўрт сўм топади. Бу ҳам узоққа бормайди. Ягона имконияти — отасидан бобонлик касбини ўрганиш эди, буну ҳам эпюломайди. Нўмон Раҳимжоновнинг “Жимжит жолалар” қиссасида ижтимоий муаммо — айрим одамлардаги лоқайдлик, уқувсизлик, меҳнат қилишдан бўйин товлаш охир-оқибат жамиятнинг орғирли нукталарига айлишини чуқур бадиий тадқиқ этган.

Тўпламдаги иккинчи асар — “Синган умр синиклари” жанрини муаллиф камтарлик билан бадиа деб атаган. Аммо бу асарда ҳам ҳаёт, воқелик ҳаққоний бадиий тасвирланганки, шунга кўра уни ҳам бемалол қисса дейиш мумкин. Бу асарда иккинчи жаҳон урушининг фожиалари бир жангчи — Нажим ота Боймуҳаммедов тилидан ҳикоя қилинади.

“Синган умр синиклари” қиссасида Нўмон Раҳимжонов “штрафони” — жазо батальонида жанг қилиб, неча бор ўлимдан омон қолган қаҳрамонни топиб, кашф этган. Нажим отанинг уруш майдонидаги даҳшатлар ҳақидаги ҳикоясида тасвирланган манзаралар олмон адаби Эрих Ремаркнинг “Ғарбий фронтда ўзгариш йўқ” романидаги манзараларига ёдга солади. Оғир уруш шароитида одамларни инсоний фазилатлар тарқ этмагани ҳам бадиий лавҳаларда ўз аксини топган. Асар қаҳрамони урушининг охиригача разведкачи бўлганини, аввалги жазо бекор қилиниб оқлангани, жасоратлари учун бир неча марта тақдирлангани, жангларда жароҳатланиб, ҳарбий госпиталда бир ярим йилгача тилдан қолиб доволангани, иккинчи гуруҳ ноғирони бўлиб қайтган таъсирчан лавҳаларда кўрсатилади.

“Жимжит жолалар” тўпламидаги бошқа асарларда, хусусан, бадиалар, замонавий эртаклар ва дилбитикларда ҳам ибратли, қизикarli тақдирлар, теран фикрлар китобхонга маърифат, эстетик завқ-шавқ бағишлайди. “Шажара илдизлари”, “Эгри билан тўғри”, “Момоқалдиқоннинг ўғил-қизлари”, “Ҳайрат ҳам Яратганнинг инояти”, “Сув билан олов”, “Маймуннинг хийласи” эртакларини болалар ва ўсимирлар ҳам, катта ёшдагилар ҳам ўқиб роҳлланади.

Муаллифнинг “Дилбитиклар”и тўпламга алоҳида зийнат бағишлаб турганини қайд этиш жоиз. “Туш — тимсол”, “Томчилар, томчилар...”, “Тупроқ иси” номли бу битикларда ҳаётий тажрибалар давомида, турли жараёнлар таъсирида келинган теран хулосалар, мулоҳазалар айтилган. Дарҳақиқат, маънавий комилликка интилган инсон борха, ҳикмат излаб яшайди, ҳалқ донишмандлигини ўз ҳаётида дастуриламал деб билади. Муаллиф меҳнатсеварлик, ижод ва ижодкор, меҳр ва оқибат, оила ва қўшнчилик, ҳаёт ва умр, маърифат ва зиё, донолик ва нодонлик, яхшилик ва ёмонлик каби хислатлар ҳақида қўйидагича ҳаётий хулосалар чиқаради: “Яхши китоб — ақл қаймоғи”, “Шармсизга шаҳар кен”, “Кўп юрган — кўп юрак, кўп ўқиган — кўп билар”. Бу каби дилбитикларнинг маъно қатламларига халқимизнинг “Хар қиррасида етти ранг товланиб” (Ғ.Ғулмор) турувчи нақллари мағзи сингдирилган. Бу дилбитиклар ҳаёт кўзгуси сифатида замондошларга ўзини англаш ва ўзлигини намён этишда, яшармоқ ва яратмоқнинг мазмун-моҳиятини тушунишда ёрдам беради.

Нўмон Раҳимжонов ёзувчи ва шоирларнинг бадиий маҳорат сирларини кўп йиллар давомида тадқиқ этиб, мана, ўзи ҳам адиб сифатида шаклланибди. Унинг бадиий ижоди намунаси китобхонлар оммасига тақдим этилганидан мамнунмиз.

Дамин ТҮРАЕВ,
филология фанлари доктори, профессор

БЕШ ТАШАББУС ҚАНОТИ

Юртбошимиз Шавкат Мирзиёев томонидан ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилишга доир ташаббуслар, китоб мақсулотларини чоп этиш ва тарқатишни тақомиллаштириш, китобхонлик маданиятини оширишга оид қарорлар ўз самарасини бермоқда.

Тошкент шаҳрининг Юнусовда туманида жойлашган 260-сонли мактабга таниқли шоир Шукур Курбон билан биргаликда Ёзувчилар уюшмаси томонидан мактаб кутубхонаси учун совға қилинган китобларни топшириш мақсадида бордик. Ўқувчилар ва устозлар бизни қилг кайфиятга кутиб олишди. Мактаб кутубхонасида жонқур устоз, она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Мухайё Саидова томонидан ташкил қилинган “Ёш китобхон” тўрагаги фаолияти билан яқиндан танишдик. Ўқувчиларнинг китобга меҳри, адабиётга бўлган қизиқишлари, ёниб турган кўзлари юртимизда олиб борилаётган илоҳотларнинг меваси, самараси десак янгилишмаган бўламиз. Бу ўқувчиларни кўриб, қанийди барча ватандошларимиз шу “Ёш китобхонлар” каби китобга меҳр қўйишса эди, дея ниҳат қилдик. Зеро, донишмандлар сўзича, китоб ҳар қандай билимнинг жони ва юраги, ҳар қандай фаннинг ибтидосидир.

Жамолдин АБДУЛҲАЕВ,
ёш шоир

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН

Тошкент давлат Миллий рақс ва хореография олий мактабида “Ўзбекистонда рақс санъати ривож ва истиқболлари: ижтимоий жараёнлар” мавзусида Республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди.

Тадбирда республикамизнинг барча вилоятларидан ташриф буюрган Болалар музика ва санъат мактаблари, маданият ва санъатга ихтисослаштирилган мактаблар ҳамда олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, ёш педагоглар, магистрант ҳамда тадқиқотчилар иштирок этидилар.

Ўзбекистонда миллий рақс ва хореография санъатининг ривожланиши босқичларини атрофлича ёритиш, ёшларда рақс санъатига қизиқишни ошириш, замонавий хореография санъатида ўз бераётган ўзгаришлар ва янгилишни шарафларидан кенг оммани хабардор қилиш, соҳа билан боғлиқ ижтимоий жараёнларни танқидий таҳлил этишга бағишланган маъзур анжуман натижалари миллий рақс ва хореография санъати соҳасидаги методологик ва назарий масалалар ечимини топиш, долзарб муаммоларни ҳал этишга яқиндан ёрдам беради.

Анжуман якунида энг яхши маърузалар муаллифлари С.Муратов, Н.Ғофуров, Р.Досметова, А.Усмонова, М.Адашева, Т.Юлдашев ва П.Тошкентбоев эсдатлик совғалари ҳамда фахрий ёрликлар билан тақдирландилар.

“ТОШКЕНТ БАҲОРИ” СЕПИНИ ЁЙДИ

Бошланиши биринчи саҳифада.

20 апрель куни композитор С.Юдаковнинг “Майсаранинг иши” (режиссёр Хайдарали Қосимов, музика раҳбари ва дирижёр Фазлиддин Ёқубжонов) операси намойиши билан очилган фестивал 5 май куни П.Чайковскийнинг “Оқуш кўли” балети билан ниҳоясига етади. Тадбир давомида мухлислар Ж.Вердининг “Аида”, “Трубадур”, “Травиата”, Ж.Бизенинг “Марварид изловчилар” операларини, “Қақшус” (И.Стравинский), “Шахризода” (Н.Римский-Корсаков), “Конфуций” (Хитой Миллий опера, рақс ва драма театри), “Баядерка” (Л.Минкус) балетларини томоша қиладилар. Шунингдек, томошабинлар эътиборига “Тумор” ансамблининг концерт дастури, Миллий рақс ва хореография олий мактаби талабаларининг ҳисобот концерти ҳавола этилади.

Юқорида қайд этилган опера ва балет спектаклларида Қозоғистондан солист Альфия Каримова, Озарбайжондан дирижёр Аюб Кулиев, солист Офок Аббосова, Россиядан Асқар Абдуразоқов, Иван Гингазов, Россия Болошой театри солистлари Анна Ни-

кулина ва Руслан Скворцов ўз маҳоратларини намойиш қиладилар.

Фестиваль спектаклларига ташриф буюраётган мухлислар орасида ёшларнинг кўпчилиги қувонарли ҳолдир. Консерваториянинг учинчи курс талабаси Рўзиевой Шаҳназаров таассуротлари билан ўртоқлашди: “Опера билан учрашув мухлис учун ҳамиша юксак эстетик завқ, мўъжиза ато этади. Шаҳсан ўзим учун бу амалиёт ҳамдир. Фақат тинглаб қолмасдан, саҳнада кечаётган воқеаларни кузатаман. Чунки бу нарса келгусида юртимизнинг бирор театрида ишлайдиган бўлсам, албатта, ёрдам беради. Очиги, мана шу тарихий саҳнада ижод қилишни жуда истайман”.

“Тошкент баҳори” дилларни қувнатиб давом этмоқда. Бугун саҳнада дунё опера санъатининг дурдоналаридан бири бўлган “Травиата” операси намойиш этилади. Шуниси муҳимки, ушбу фестивал фақат чет эллик моҳир санъаткорлар билан учрашув бўлиб қолмай, Ўзбекистон опера ва балет санъатининг дунё маданий ҳаётидаги ўрнини белгилашга, Фарб ва Шарқ муслиқий ютуқларининг ўзаро алмашувини таъминлашга хизмат қилади.

Фазлиддин ЁҚУБЖОНОВ, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган санъат арбоби:

— Опера ҳамда балет санъатини музика ва оркестрсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шу сабабли театрнинг бош дирижёри сифатида оркестрнинг юксак профессионал даражада жарағлашига жиддий аҳамият бераман. Муҳими, фестивалда қатнашаётган меҳмон санъаткорларнинг музикачиларимизнинг ижросидан кўнгиллари тўлаётганидир. Лекин асосий баҳони ҳамкасбим Эйюб Кулиевдан ашитдим. Демак, имтиҳондан яхши ўтибман. Ушбу фестивал театримизнинг ҳар бир ходими учун катта аҳамиятга эга. Бу тадбир орқали нафақат қардош халқларнинг музикаси, опера ва балет маданияти билан яқиндан танишамиз, балки бундай учрашувлар профессионал маҳоратимизни оширади, янада яхши ижод қилишга ундайди. Меҳмонлар орасида хонандалар, балет артистлари, дирижёрлар бор. Хар бирининг ўз йўли, ижро мактаби мавжуд. Фестиваль жараёнида эса, улар бошқа ижрочилар билан ўзаро уйғунлашиб кетишлари лозим. Шундай бўляпти ҳам.

Хайдарали ҚОСИМОВ, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими:

— Фестивални ўтказишдан асосий мақсадимиз халқимизни, айниқса, ёшларни опера ва балет санъатига яқиндан ошно қилиш. Зеро, опера — вокал санъатининг юксак мактабидир. Айтишларича, оригинал тилда куйланган яхши операни тинглаган томошабин саҳнадаги воқеаларни ички ҳиссиёти билан қабул қилади. Рақс санъатининг юксак намунаси бўлган балет ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Спектакллариимизни кўраётган меҳмонлар биз билан фикр алмашаётган. Демак, бу ҳам улар учун қайсибир маънода дарс. Уларнинг санъатимизга эътибори эса бизни хурсанд қилапти. Аслида, спектаклга киришди кетиш учун бир-икки кунлик машқлар ниҳоятда камлик қилади. Бироқ ҳозир бу сезилмаяпти. Ишимиз аъло даражада давом этапти. Ҳаммаси тезда илғаб олинаётгани ҳар икки томон ижодкорларининг профессионал маҳоратидан дарак беради. Фестиваль кунларида барча масалада ҳақиқий ижодий ҳамкорлик ва ўзаро яқдиллик ҳукмронлик қилмоқда.

Альфия КАРИМОВА, Бошқирдистонда хизмат кўрсатган артист:

— Алишер Навоий номидаги театр жамоасининг тақлифи билан биринчи марта ниҳоятда ажойиб тарзда ташкил этилган ушбу фестивалда қатнашимиз ва Ўзбекистонда бўлишим. Бу театрда истеъдодли ҳамкасбларим билан танишдим. Дунёнинг энг таниқли санъаткорлари куйлаган машҳур саҳнада роҳатланиб куйладим. Ижроимни тушуниб, самимий қабул қилган томошабинлардан миннатдорман. Мухлисларга тилагим шуки, классик музикани севинг, сиз учун ижод қилаётган солистларни, созандалар дирижёрларни, шу даргоҳда ишлаётган барча-барчанинг меҳнатини ҳурмат қилинг. Ахир, улар музика санъати учун, залда саҳнага нигоҳини қадаб ўтирган ҳар бир мухлис учун умр бўйи изланишдан чарчамайдилар. Ҳамкасбларимга эса яна бир бор мухлис учун ижод қилиш умумий ишимиз эканини, спектакль яхлит вужуд бўлиб, ҳар биримиз унинг ўзимизга тегишли қисмига жавобгарлигимизни эслатиб қўймоқчи эдим. Театр жамоасига дунёдаги барча яхшиликларни, ҳамиша илҳомлари жўш уриб туришини тилайман.

Ф. ФАХРУТДИНОВА, Г. УМАРОВА

Мумтоз мақомларнинг жаҳон маданияти узра саодатли чўққиларга юксалишида яқин ўтмишда яшаб, ўзларининг илмий-амалий фаолиятлари билан бугунги ҳайратомуз ижодий ютуқларнинг тамал тошини қўйган улғу устозларнинг улкан хизматлари бор, албатта. Бу ўринда ардоқли Ражабийлар сулоласининг намояндалари — Юнус Ражабий, Ризқи Ражабий ва Исҳоқ Ражабовнинг мураккаб шартшароитларда собитқадамлик билан амала оширган, моҳиятан маънавий жасоратга тенг илмий-ижодий ва устозлик меҳнатлари алоҳида таҳсинга сазовор.

Замонавий ўзбек мақомшунослигининг асосчиси, санъатшунослик фанлари доктори Исҳоқ Ражабов (1927 — 1982) Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ризқи Ражабий оиласида таваллуд топди. Ризқи отадан илк бор дутор ва танбур созларини чертиш машқларини олган фарзанд шу чоғларнинг моҳир ижрочиси бўлиб танилган эди. Ота ва ўғил ижросида магнит тасмаларига муҳрланган “Мискин”, “Насрулло”, “Муножот”, “Абдурахмонбеги”, “Самои Дуғоҳ”, “Гардуни” ва “Уфари Сероҳ”

ноаниқ маълумотларга ойдинлик киритилди, муаммо бўлиб турган жумбоқлар ечимини топди. Чунончи, аксарият олим ва амалиётчилар орасида ўзбек мақомларининг келиб чиқиш негизларини араб-форс музикасига боғлаб қараш кенг ёйилган тахминлардан бири бўлган. Бу тахминдан фарқли ўлароқ Исҳоқ Ражабов мақомларнинг халқ музикаси негизиде вужудга келиши гоёсини илгари сурди.

Мақомдон олимнинг бирламчи ёзма манбаларни атрофлича таҳлил

да ўзига хос “номантикий” баён услубини танлаб, хирадманд иш тутган эди (бундай услуб ўша давр илгор ижодкорлари ва олимлари томонидан “санъатнинг синфилиги” таълимотига истеҳзо тарзида қўлланган). Шундай ҳолатни куйида келтирилган иқтибосда англаш мумкин: “XVI асрдан бошлаб ўрта аср Шарқ фани ва маданиятида исломнинг таъсири кучая боради. Шу даврлар ичида яратилган фан ва санъатта оид рисола-ларда мистика таъсири шунинг учун

Қадрият

“комил инсон” таълимотига алоқадорлик моҳияти тини муфассал ёрита олмаган, бу борада фақат муҳим ишоралар билангина кифояланган.

Исҳоқ Ражабов илмий фаолияти давомида тўплаган бой ҳазинаси ва теран билимини иқтидорли ёшлардан дариг тутмади. 1972 — 1979 йиллар давомида у Тошкент давлат консерваториясида талабаларга “Ўрта Осиё халқларининг музика маданияти бўйича маълумотлар”, “Мақом асослари” ва “Музикашунослик синфи” фанлари бўйича устозлик қилган. Устознинг илмий раҳбарлигида Равайн Юнусовнинг “Черты общности и различий в макомах и мугамах” мавзусидаги номзодлик диссертацияси 1983 йили Санъатшунослик институтига тақдим қилинган. “Мақом асослари” ва “Музикашунослик синфи” фанлари бўйича устозлик қилган. Устознинг илмий раҳбарлигида Равайн Юнусовнинг “Черты общности и различий в макомах и мугамах” мавзусидаги номзодлик диссертацияси 1983 йили Санъатшунослик институтига тақдим қилинган. “Мақом асослари” ва “Музикашунослик синфи” фанлари бўйича устозлик қилган. Устознинг илмий раҳбарлигида Равайн Юнусовнинг “Черты общности и различий в макомах и мугамах” мавзусидаги номзодлик диссертацияси 1983 йили Санъатшунослик институтига тақдим қилинган.

МАҚОМШУНОС АЛЛОМА

каби кўплаб мумтоз куйлар шундан гувоҳлик беради.

Шу билан бирга, Исҳоқ Ражабов форс-тожик тилини ҳамда мумтоз шеърят (аруз) қонун-қоидаларини мукаммал ўзлаштирган олим эди. Айни вақтда у мақом санъатининг тарихий-назарий масалаларини ўрганишга доим чанқоқ бўлган. Интилишларининг самараси ўлароқ, у 1955 йили Шарқ музика рисолалари тадқиқотида доир номзодлик диссертациясини Ленинград (ҳозирги Санкт-Петербург) шаҳридаги ихтисослашган кенгашда муваффақиятли ҳимоя қилди.

Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейида илмий ходим бўлиб ишлаб юрган кезлари олимнинг мақом санъатини янада теран илмий ўрганишга бўлган маънавий эҳтиёжи ортиб борди. Шу ихлос уни Санъатшунослик илмий-тадқиқот институтига қорлади. Бу даргоҳда умрининг охирига қадар “Музика тарихи” шўъба мудири лавозимида улкан илмий ишларни рўёбга чиқарди. Жумладан, 1963 йили “Мақомлар масаласига доир” номли илмий монографияси нашрдан чиқди, шунингдек, “Кутбиддин аш-Шерозий музикаси” рисола-си”, “Амир Темура ва Темурийлар даври музика маданияти”, “Шарқ музикаси атамаларининг қисқача изоҳли лугати” каби қимматли илмий тадқиқотлари амалга оширди. 1971 йили Ереван шаҳридаги ихтисослашган кенгашда “Мақомлар” мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилди ва “музика санъати” ихтисослиги бўйича ўзбек олимларидан биринчи бўлиб санъатшунослик фанлари доктори илмий даражасига эга бўлди.

Исҳоқ Ражабов илмий меросида устозона музиканинг энг мураккаб ва мукаммал заҳури бўлган мақомлар масаласи устувор ўрин эгаллайди. Чинакам қомусий билимга эга аллома қадим ва навқирон санъатнинг тарихий-назарий муаммоларини муштарак этган янги илмий таълимот тузишга муваффақ бўлган эди. Мақомларни ўрганишда туб бурилиш нуқтаси бўлган бу таълимотнинг асосий мазмуни “Мақомлар масаласига доир” номли илмий монографиясига ўз аксини топган. Олимнинг илмий салоҳияти билан ўша давр музикашунослигида мавжуд бир қатор

Тўртинчи мақола

қилиш асосида келган мантиқий ҳулосасига кўра, Шашмақом мажмуаси ўн икки мақом тизимининг XVIII асрнинг биринчи ярмига қадар давом этган тадрижий ривож ўлароқ ўзбек-тожик халқларининг муқталик музика жанри сифатида Бухоро сарой маданиятида узил-кесил шаклланган. Шунингдек, юқорида қайд

ҳам қулчидир. Маданият ва санъатнинг энг яхши асарлари феодад деспотизми ҳукмрон бўлган оғир шароитда, маданият тараққиётига тўсиқ бўлиб келган ислом идеологияси билан курашларда яратилди. Бу даврларда, айниқса, музика қаттиқ таъқиб этилган эди” (“Мақомлар масаласига доир”, 123-бет).

Муаллифнинг ушбу мулоҳазаларида бир-бирини инкор этувчи фикрлар қўллангани аён. Бунда, бир томондан, ислом идеологияси мада-



этилган монографик тадқиқотда Хоразм мақомлари ва Фарғона-Тошкент мақом йўллари ҳусусида ҳам қимматли фикр-мулоҳазалар билдирилиб, уларнинг Шашмақом билан ўзаро боғлиғи нисбатларига оид малакали кўрсатмалар баён этилган. Хуллас, “Мақомлар масаласига доир” илмий монография нашр юзиган кўрган вақтдан эътиборан ўзбек музикашунослиги мақомларни тадқиқ этишда янги сифат босқичига кўтарилди. Исҳоқ Ражабов эришган улкан илмий муваффақиятлар замирида устознинг мақомларни ҳам илмий, ҳам амалий жиҳатдан мукаммал билиши муҳим омиллардан бўлгани шубҳасиз. Айни шу омиллар боис Исҳоқ Ражабов амакиси, академик Юнус Ражабийнинг энг яқин маслак дошларидан бири бўлган.

Фикримизча, устоз-олим мақомларнинг тасаввуд фани боғлиқ мазмун-моҳиятини теран англаган, аммо давр шароитига кўра, бу мавзунинг оғли равишда очик-ойдин ошқор этмаган. Бироқ аллома бу борадаги муҳим маънони ўқувчига етказиш йўли-

ният тараққиётига тўсиқ бўлгани ай-тилса, иккинчи томондан, айнан шу даврларда маданият ва санъатнинг энг яхши асарлари яратилгани эъти-роф қилинади. Инчунин, музика қаттиқ таъқиб этилганига қарамай, бу соҳада Шашмақом, Хоразм мақомлари ва Фарғона-Тошкент мақом йўллари бирин-кетин юзага келган ажабланирлиқдир. Ҳолбуки, муаллиф ушбу мақомларнинг ҳар бирини китобнинг кейинги саҳифаларида алоҳида-алоҳида бобларда мароқ билан тавсиф этади. Агар чиндан ҳам ислом идеологияси маданият тараққиётига тўсиқ бўлиб, музика қаттиқ таъқиб остига олинганда ҳозирга қадар бутун башари-ятни ҳайратга солаётган мазкур мумтоз мақомларни яратиш имкони бўлмасди, албатта.

Шу ўринда юқорида келтирилган иқтибосдаги “мистика” сўзини шарҳ-лаб ўтиш жоиз. Мутахассисларга яхши маълумки, ўша давр мафкура-чилари тасаввуднинг барча қури-нишларига биргина “мистика” сўзи билан салбий баҳо беришлари одат

Оқилхон ИБРОҲИМОВ

ТЕМИРЧИ САНЪАТКОРЛАР

Темирчилик ҳунари Шавқиддин Камоловга бобомерос. Бугунги кунда бу сулолани нафақат юртимизда, балки хорижий давлатларда ҳам яхши билишади. Шавқиддин ака билан суҳбатлашиш мақсадида унинг устахонасига келганимизда фарзандлари ва шогирдлари билан оддий темирдан гўзал санъат асарларини яратаётган экан. Суҳбатимиз аввалида у кишидан ҳунармандчиликнинг машаққатли, айни пайтда инсонга завқ улашадиغان жиҳатлари ҳақида гапириб беришни сўрадик.



— Биз аъноналаримизга, урф-одатларимизга содиқ усталаримиз, — дея сўз бошлади Шавқиддин ака. — Шундай аъноналардан бири фарзандимизга ҳунар ўргатиш бўлса, яна бири ҳунарни авлодларга мерос қолдиришдир. Бобом усто Шариф Камолов темирчиларнинг олтинчи сулоласи. Дадам оталаридан бу касбни ўн ёшдан бошлаб ўрганган, мен тўққиз ёшдан ўргана бошладим. Мен сулоланинг еттинчи авлодиман. Ҳозирги кунда ўғлим Шамсиддин темирчилик касбини ўрганапти. Биз асосан пичоқ, шамдон, ўроқ, тақа, омбур, болга, эшик ва дарвозалар ясаймиз.

Бухоро темирчилик санъати билан бошқа вилоятлардагиси ўртасидаги асосий фарқ буюмлар бичимида, кўринишида акс этган. Масалан, дадам биринчи бўлиб саккиз хил қушлар қайчиси ясаган. Ҳозирги кунда лайлак қайчисига кўпроқ қизиқиш бор. Бухорода темирчилик касбини ўрганишга иштиёқманд ёшлар кўп. Ҳозир ўн та темирчи бўлса, ўнгаси ҳам пичоқ ясайди. Лекин ўнгасидан биттаси қайчи ясайди. Воқеда, Шаҳрихонда ҳам пичоқчилик бор. Албатта, уларнинг нақши, ранги, ўзига хослиги бизнинг ишларимиздан фарқ қилади.

Шу ҳунаримиз билан нафақат мамлакатимизда, балки хорижий давлатлардаги кўрғазмаларда ҳам қатнашганмиз. Яқинда дадам билан Чехияда ўтган “Халқ усталари” фестивалида қатнашдик. Дунёнинг турли мамлакатларидан бир юз элликка яқин усталар ўртасида иккинчи ўринни олдик. Ҳар бир давлатнинг рамзий белгиси бўлади. Биз Ўзбекистон Республикаси гербидеги Хумо қушини ясадик. Томошабинлар кўриб ҳайратланди. Касбимиз туфайли Франция, Германия, Япония, Испания, АҚШ каби давлатларда ташкил этилган юздан зиёд Халқаро кўрғазмаларда қатнашганмиз.

Ҳар йили ишимизга янгилик киритишга ҳаракат қиламиз, янги технология, замонавий қуришлар, янги гоғлар устида ишлаймиз. Америка давлатида

ўтган кўрғазмада биринчи ўринни эгалладик. У ерда бизга янги ускуна совға қилишди. Олдинлари ҳамма иш қўл меҳнати билан бажарилган бўлса, энди замонавий технологиялардан ҳам фойдаланамиз.

Ҳар бир устананинг ўзига хос белгиси, рамзи бўлади. Бизнинг рамзимиз Бухоро шаҳар “Тоқи Телпақфуршон” Темирчилик музейи устахонасидеги ўзимиз ишлаган катта кўза. Дадам менга бир хумчани бераётди: “Бир камбағал бола бор эди. Дадасидан битта хумча қолган экан. У бирданга бой бўли кетди. Мен ҳам мана бу хумчани сен учун ясадим. Ишласанг, бойиб кетасан”, деди. Бизнинг рамзимиз ана ўша хумча.

Ҳазрати Амир Кулолнинг: “Ўз юзингни ойнада эмас, шогирдларингда кўргин”, деган ҳикмати бор. Дастлабки шогирдларим ҳозир устоз бўлиб қолишган. Мен учун касбим ҳаётимнинг мазмуни. Шогирдларим уста, деб гап бошлаганда фахрланаман. Улар ҳам ўз шогирдлари билан фахрланишини истайман. Келажакда сулоламиз бардавонлиги учун ҳаракат қиламиз. Насиб этса, Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйноқ тумани ёшларига ҳам темирчилик ҳунарини ўргатиб келишни ният қилиб турибмиз.

Мунира РАМАЗОНОВА



ИСПАНИЯ САҲНАЛАРИДА

Испаниянинг Ллорет де Мар шаҳрида бўлиб ўтган “Баҳор симфонияси” номли кўрик-танловда Ўзбекистон давлат Санъат ва маданият институти “Чолғу ижрочилиги” кафедраси катта ўқитувчиси Ҳикмат Ражабов раҳбарлигида, етакчи концертмейстер Аялберген Отегенов ҳамда Халқ ижодиёти факультети (чолғу жамоаларига раҳбарлик) таълим йўналиши 4-курс талабаси Баҳодир Баратов муваффақиятли қатнашди. 22 давлатдан турли жанрлар бўйича турли ёшдаги ижрочилар иштирок этди.

А.Отегенов ўзининг “Қара Жорға” асарини ижро этиб биринчи ўринни эгаллади. Б.Баратов А.Гуревич – А.Исаевнинг “Қадимги банджо” асарини қашқар рубобида моҳирона ижро этиб II-ўринга сазовор бўлди. Шу билан бирга фестивалнинг ёпилиш маросими гала-концертида ҳар икки қатнашчимиз ўз дастурларини ижро этиб, томошабинлар олқишига сазовор бўлдилар.

Халқаро танлов ташкилотчиси ва бош президенти мистер Давид Жапаридзе Ҳикмат Ражабов билан суҳбат чоғида мамлакатларимиз ҳамда институт билан ижодий ҳамкорлик давом этишини айтиб, келажакда ижодий шартнома тузилишига розилик билдирди.

Феруза ҲАКИМОВА,
Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти катта ўқитувчиси

Ҳамид ҒУЛОМ

СЕНИКИ БУ ЧАМАН, БУ ГУЛЛАР



Тасвирингга сўз тополмади

Баҳор ўрмонида бошланган шовқин Юрак кўшигиндан анча секинлик. Илҳомим қирғоққа урилган сувдай — Тошқинлик, жўшқинлик, зўрлик, эркинлик.

Сенинг тасвирингга сўз тополмадим, Жаҳон сўзонаси, азизим Ватан — Сенга бўлган севги, вафо олдида Сўзлар рангсиз экан, жуда кам экан.

Сенга тикилганда долазорларни, Сенга тикилганда тонглари кўрдим. Кўёнинг тигида қалам тарошлаб, Хуснинг тасвирини қалбга кўчирдим.

Карвон, йўлинг беҳатар бўлсин!

Манзил яқин, интиқ, карвоним, Порлоқ йўлинг беҳатар бўлсин. Юкин қутлуғ, дардим, армоним, Бепушаймон, бекадар бўлсин!

Шу қут замин улуғ онангидир, Унинг куйи — дил таронангидир. Кенг далалар ижодхонангидир, Ёзганларинг шоҳ асар бўлсин!

Ер юзини кездим, сен қалар, Матонатда сенга баробар Филойини кам кўрдим, агар Тупроқ олсанг, олтин-зар бўлсин!

Сен эгилсанг, букилар белим, Сен қийналсанг эзилар дилим. Баланд кўтар қаддингни элим, Тоғлар билан баробар бўлсин!

Чиройлисан, Ўзбекистоним, Будоқлардай тиниқ жононим, Бахт йўлига чиққан давроним, Ёмон кўздан алҳазар бўлсин!

Ўтган кунлар бўлмасин унут, Ҳақни сўзла, сақлама сукут. Азиз бошинг доим баланд тут, Истиқболнинг муқаррар бўлсин.

Сенинг фахринг олтин карвонлар — Қанча заҳмат, орзу-армонлар, Сенга фақат келтирсин шошлар, Саодатинг мунаввар бўлсин.

Меҳнатининг маҳсули ҳалол, Элинг учун ҳам нон, ҳам қурол, Қандинги ур, халқим, безавол, Фарзандларинг музаффар бўлсин.

Умр бўйи уйлаганларинг, Достонларда сўйлаганларинг, Қўшиқларда куйлаганларинг, Элим, сенга мўътабар бўлсин!

Оҳ, сенинг ёшмигинг...

Кўнгил ёшлигини ҳар дам кўмсайди, Оҳ, сенинг ёшлигинг менда бўлсайди! Такрор этмас эдим бағри тошлигинг, Оҳ, менда бўлсайди сенинг ёшлигинг!

Намунча енгилсан, намунча дайди! Оҳ, сенинг ёшлигинг менда бўлсайди... Бўлмасди беғамлик, бебардошлигинг, Оҳ, менда бўлсайди сенинг ёшлигинг!

Тонг юлдузи каби бир дам қулсайди, Оҳ, сенинг ёшлигинг менда бўлсайди. Ўтда ёндирардим кўнгил ғашлигинг, Оҳ, менда бўлсайди сенинг ёшлигинг!

Юрак илк севгига яна тўлсайди, Оҳ, сенинг ёшлигинг менда бўлсайди! Шодлик, кўркамлигинг, серқуёшлигинг, Жаҳон ёритарди худди ёшлигинг!

Ой каби

Эшикдан ой каби қирасан аста, Бу уйнинг шу лаҳза чекинар қиши... Кўлингга ўзингдай гўзал гулдаста, Юлдуз туркумидай жим товланиши.

Ғунчалар... ҳар бири ёқут лабингдай, Соғинган бўсани кутгандай яшнар. Ғунчалар... Севгига тўлган қалбингдай, Вафо қаршида очила бошлар.

Ғунчалар... ҳар бири худди орзудай, Ҳали ечилмаган сеҳриди тугун. Эшикдан қирасан худди оҳудай, Янги бир фазилат касб этиб бугун.

Эшикдан ой каби қирасан аста, Бу уйнинг шу лаҳза чекинар қиши... Кўлингга ўзингдай гўзал гулдаста, Кўкда юлдузлардай жим товланиши.

Ёр, кел

Боғимга ноз ила, ёр, кел, Кувноқ овоз ила, ёр, кел. Сеники бу чаман, бу гуллар, Сеники куйлаган булбуллар.

Куйлаб шўх соз ила, ёр, кел. Дилимда ғазалим, сен ёз, Мен айтмай, гўзалим, сен ёз. Ишқимиз яшнасин кўёшдай,

Тирик сатрлар

Сўзимиз порласин оташдай. Сеники бу чаман, бу гуллар, Сеники куйлаган булбуллар. Куйлаб шўх соз ила, ёр, кел!

Сенинг мактовинг

Кўкимга ярқираб кўёш чиқали, Бошимга меҳрибон бахт қуши кўнар. Айрилиқ тоғини висол йиқали, Кўнгил гулзориди чечаклар унар.

Чунки сен келасан кўёшдай қулиб, Чунки сен келасан толе қушидай, Чунки сен келасан чиройга тўлиб, Шоирнинг тонг чоғи кўрган тушидай.

Олис товушингни эшитганим он, Унутдир кўйингда чеккан қулфатим. Дил қувнаб, мисралар келади равон, Илҳомим бўлади азиз улфатим.

Сен билан ўтган кун мен учун даврон, Қайнайди истаклар, яшнайдим уйим. Мисралар қоғозга тизилар равон, Сен билан ўтган кун — энг ширин тўйим.

Рухимда уйғонар ҳаёт шовқини, Васлингга тўяди интизор қўлини. Умирнинг сен билан ўтган ҳар куни Мен учун энг тотли, нашъали айём.

Шодликсан, севгисан, қўшиқсан, куйсан, Вафосан, ҳаёсан, тоза хўссан. Ёшлиқсан, орзусан, маст қилган ўйсан, Тонг чоғи безаган шеърим ўзингсан...



Ғайрат МАЖИД

БҮЮК ШАЖАРА ПАЙВАНДИМАН

(Ҳиндистон дафтарида)

Ҳазрати Бобур

Бошимни олиб, эй Бобур, айқ етганча кетгаймен. Заҳридин Мухаммад БОБУР

Кимга дунё, кимга кўнгил шоҳ экан, Дунё деганлари алам, оҳ экан, Одамга умиди дўст, ҳамроҳ экан, Қаён кетмоқдасиз, Ҳазрати Бобур?

Иймонни дилида тугдай тутган зот, Орини тоғлардан баланд этган зот, Отнинг устида ҳам ашбор битган зот, Қаён кетмоқдасиз, Ҳазрати Бобур?

Ҳаёт бошдан оёқ бепоён тилсим, Гоҳ оға сотишин ким ўйлаб билсин, Қалби қулф касларга Худо бас келсин, Қаён кетмоқдасиз, Ҳазрати Бобур?

Шу чоғ ёлғиз кўйинг ҳабиби ҳамдам, Кўнгил зор қақшаса ким қилгай мотам, Гоҳида ўзилан безаркан одам, Қаён кетмоқдасиз, Ҳазрати Бобур?

Сиз бирлан бир мумтоз маҳаллар кетди, Ишқ бунёд этган Тожмаҳаллар кетди, Хумоюн, Комрону Акбарлар кетди, Қаён кетмоқдасиз, Ҳазрати Бобур?

Етар бас, кўнглимга кетгайман мен ҳам, Бир гўзал оламга етгайман мен ҳам, Шу юрт деб, шу эл дея ўтгайман мен ҳам, Қаён кетмоқдасиз, Ҳазрати Бобур?

Ватанга кетамиз...

Оҳ, Қандай шириндир Бу бўй, бу ифдор, Она, она тупроқ, онажон тупроқ, Одамман дейишга қандай ҳаққим бор, Сенда туриб, Сендан яшабман ироқ.

Мана Хумоюннинг мармар саройи, Келиб кетаверар минглаб сайёҳлар, Уларнинг дилимга йўқдир парвойи, Недандир кўнглимда муқаддас оҳлар.

Эҳтимол, ёрга дил бериб, надомат, Кўрмаганимкин ё садоқат, вафо.

Барибир, муҳаббат покиза неъмат, Бахтиёр қай дилда берса у садо.

Минг афеус, тилини билмайман унинг, Нима у қалбини ўртаган армон? Тошларни парчалаб юборгудек мунг — Шундоқ кипригида тургандайин жон.

Аллоҳ бор, Мадалкор, Йиғини бас қил, Кўксим ёриб чиқди фиғону дудлар. Яшамоқ курашдир, Бўл бардам, дадил, Ҳеч нега қодирмас бу тош маъбудлар.

Қизиқ хангомалар

кўради одам...

Қизиқ хангомалар кўради одам, Агар дунё бўйлаб қилса саёҳат. Қаерда бўлсанг ҳам, айтарди отам, Тонгларнинг бўлсин ҳикмат-насиҳат.

Катта дўкон кўрдим Мўғилсаройда, Кимдир мева сотар, кимдир гул сотар. Нимани истасанг бари шул жойда, Пулни тўласанг, ҳатто пул сотар.

Боқдим, бир растада харидор гавжум, Моли мактаб-мактаб сотар улгуржи. Менга-ку, керакмас, сўрадим секин, Неча руйий турар ҳайкалчалар, жи'.

Булар тангрим, леги жилмайиб аста, Олинг уйингизга келтирар иқбол. Жонсиз уйинчоқни оҳ ақли хаста, Худо деб турса-я, ё Раб, бу не ҳол.

Ажаб, сотаётган моли — худога, Бир-бир юкуниб ҳам кўяр эди ул. Шул дам кўнглимдаги маҳзун нилога, Қулоқ соладиган борми айт, эй гул.

Ким англр, ким англр юракни алам, Кўкка ўрлаб кетган нидоларини. Ачинаман жуда бу ноҷор одам, Кун кўради сотиб худоларини.

Қизиқ хангомалар кўради одам, Агар дунё бўйлаб қилса саёҳат...

Мавлоно Бедил

Ошиқ юрагининг шарҳи не бўлгай, Қанча хисларимга ўзимман қотил. Яшаб бўлмайди-ку зулматда тоқай, Келдим қошингизга, Мавлоно Бедил.

Кўнгида бўйидан бўлмасе баҳра, Гулнинг ҳузурда бўлгайми ёд дил.

Кўкда йўлчи юлдуз бўлгандек Зухра, Келдим қошингизга, Мавлоно Бедил.

Нима дей, нима дей, айт кўнгил санга, Шу дамда сокинман, шу дамда бетил. Ичимда ҳайқириб минг Жамна, Ганга, Келдим қошингизга, Мавлоно Бедил.

Бу Шаҳрисабдан покиза ниғор, Боболар ҳақида ўйлайман шомил. Тузсиз хаёлларим бариси бекор, Келдим қошингизга, Мавлоно Бедил.

Кўз кўриб гар ибрат олмасе кўрдир, Сиздан мангу мерос пок ҳикмат комил. Тиловат бағишлар юракларга нур, Келдим қошингизга, Мавлоно Бедил.

Раҳмон бор, Раёул ҳақ, мен ошиқ Машираб, Шиша каби чил-чил бўлгайдир ботил. Кўнглимдан зиёлар чиқмоқда сачраб, Келдим қошингизга, Мавлоно Бедил.

Бобурнинг фарзандиман

Зокиржон Маширабовега

Отам ўтди, паларим покиза дилбандиман, Буюк шажарада бир ҳалқаман — пайвандиман. Кўнглимдаги уйимни айтмоғим керак сизга, Заҳридин Мухаммад Бобурнинг фарзандиман.

Боболарим изи бор йўллардан юриб келдим, Йўллар эмас, неча юз йиллардан юриб келдим, Дўлардан ҳам юрлим мен, селлардан юриб келдим, Заҳридин Мухаммад Бобурнинг фарзандиман.

Қуриб кетсин дунёнинг йиртиқ, жудур жомаси, Ёзиш кўнгил қони-ла ошуфта дил хомаси, Шундан Хатти Бобурий, неъмат Бобур номаси, Заҳридин Мухаммад Бобурнинг фарзандиман.

Етти кўкни тутмасми, ё Аллоҳ, овоз деган, Ҳақдан сало бермасе ўтиндай гап соз деган, Ўжар, қайсар юрагим шундайин бир сўз деган — Заҳридин Мухаммад Бобурнинг фарзандиман.

Ёлгон пойи патақдир, ҳақ калом кайвонидир, Дилга нурдир Тожмаҳал, муҳаббат айвонидир, Асли баҳор айёми йиғитлик ошонидир, Заҳридин Мухаммад Бобурнинг фарзандиман.

Олов ошно бўлгайдир қибора, билганим шул, Зафар насиб, қўл берса Ахрорга, билганим шул, Келди Бобур, минг шукр, диёрга, билганим шул, Заҳридин Мухаммад Бобурнинг фарзандиман.

На тошум ва на бергум, тенгираб, дайдиб, эй дил, Англайди, бу давронга келганимиз қайтиб, эй дил, Мусаввиди авроқ ҳам турибди айтиб, эй дил, Заҳридин Мухаммад Бобурнинг фарзандиман.

Зиёрат

Шайх Саъдий шоир Хусрав Деҳлавий ҳақида гапириб: "Ҳар кимсе у дунёда бир нарсаси билан фахрланиши керак. Мен ана шу туркининг кўксидидаги куюзи билан фахрланаман", деган экан... Мирзо Ғолибга замонаш бўлган шоир Найяр ёзди: "Ҳиндистонда форс шеърини лоҳин уруғидан бўлган турк (Амир Хусрав Деҳлавий)дан бошланиб, ойбек уруғидан бўлган турк (Мирзо Ғолиб)да нисҳосиёе етди". Юксак эътирофга мушарраф бўлмиш ҳазрат боболарнинг зиёратидида кўнглимдан кечираётларим.

Қанча созу нағмаларга саҳна Деҳли, Маном кўйим, най навоси, кўҳна Деҳли, Дилсизларнинг кўнглига сол раҳна, Деҳли, Амир Хусрав, Мирзо Ғолиб зотлар каби.



Зор-интизор, мудом илҳақ хаста кўнгил, Манзил сари бораётган аста, кўнгил, Баланд бўлгил, ҳеч вақо йўқ настда, кўнгил, Амир Хусрав, Мирзо Ғолиб зотлар каби.

Сизга айтсам, маним кўнглим шаҳри ишқдир, Самарқанду Кешдан етган баҳри ишқдир, Чашми гирёнларим асли наҳри ишқдир, Амир Хусрав, Мирзо Ғолиб зотлар каби.

Илдизи йўқ, тоғ бўлса ҳам нураб кетгай, Ҳорунмисан, бир кун айшу тараб кетгай, Нур кўрдими, кўнглим унга қараб кетгай, Амир Хусрав, Мирзо Ғолиб зотлар каби.

Мусибат ҳам, саодат ҳам тақдир асли, Қисматда бор, Яратгандан тақдир асли, Тақдир деган, англаганга ҳақдир асли, Амир Хусрав, Мирзо Ғолиб зотлар каби.

Ёлгонлардан кечди юрак, чинда қолмиш, Боболардан мерос нафис унда қолмиш, Ўзим унда, кўнглим эса бунда қолмиш, Амир Хусрав, Мирзо Ғолиб зотлар каби.

Читиш

Бошимнинг манзили аслида ул остон, Асли манзил — малозимга мени етказ. Абдурахмон ЖОМИЙ

Дема асти шайдоликлар қайдан асли, Гоҳи рубоб, гоҳи танбир, найдан асли, Барча қисмат, тинмай ёзу кўзлар айтсам, Шул изҳорим, шул розимга мени етказ.

Савсан-савсан бўй келмоқда гул ёқлардан, Тоза умид-уй келмоқда гул ёқлардан, Муҳаббатдан тўй келмоқда гул ёқлардан, Шул баҳорим, шул эзимга мени етказ.

Кўёш нима, тафт олсин дил ўчоғимдан, Қўйвормайман, осмон, сени кучоғимдан, Селлар каби оқсин олам Ушшоғимдан, Шул наво, шул овозимга мени етказ.

Мавлоно Ҳазратимдек сўзлар айтсам, Баҳор айтсам, тинмай ёзу кўзлар айтсам, Пок муҳаббат маҳзанидан юзлаб айтсам, Шул дoston, шул баёзимга мени етказ.

Парвойим йўқ, маним тошдил ожизларга, Қанот бўлса учиб кетсам олисларга, Сўн қўл берсам, муддаси холисларга, Шул қанот, шул парвозимга мени етказ.

Дилсиз яшаш ўлимдан ҳам қаттиқ эрур, Чаман сари юрмоқ улуғ тортиқ эрур, Сенга қулик султонликдан ортиқ эрур, Шул давлат, шул лавозимга мени етказ.

Жи (ҳинди сўз) — жаноб, мушарраф Мусаввиди авроқ — вароққа ёзувчи, муаллиф магносида

Мен бу йўлдан ҳар куни икки марта ўтаман: эрталаб ва кечқурун. Эрталаб ҳам, кечқурун ҳам ўтаётганда гўёки саробга дуч келгандек, йўқ, бошқа юртга тушиб қолгандек, бундай ҳам эмас — худди орадан шунча фурсат кечмагандек, замон орқага кетгандек туюлиб, лолу хайрон бўламан. Тавба, дейман, бошқалар ҳам бунди билдимизми? Ёки фақат менинг кўзимга шундай кўриняптими? Бўлмаса, нега ҳеч ким ҳеч нарса демайди? Нега ҳеч ким кўрқмайди? Бу ерда бир сир бор-юк. Йўлнинг икки томонида-я, куппа-кундузи! Кетаётим аввал ўнг тарафга қарайман: ха, турибди. Кечагидек, тунно кунгидек. Шундоққина кўчанинг ёқинида. Ёнама-ён. Икки қария. Икки соқолдор. Одам-зоднинг мол-мулкигагина эмас, жонига ҳам эга чиққан икки зот. Дунёни бузган икки дохий! Хайриятки, бор бўй-баста билан эмас — ярим белдан пасти йўқ. Бюст дейдилар бунди, сандикдек келадиган тошайкал. Тилимизда монанди йўқ — мусулмон қавм одам боласининг белидан кесиб, томошага қўймайди.

Буниси ҳали ҳолва. Ана энди кўзингизни чирт юмиб ўнгача санайсиз-да, чап тарафга қарайсиз. Ҳа, туш кўраётганингиз аниқ. Чунки ўнгингизда бунақаси бўлмайди. Яна ўша икки қария! Бу гал энди бор бўйи билан турибди. Ниҳоятда улкан. Одам боласи бунчалик баҳайбат бўлмас. Булар одам қавмидан эмас-да, дев, икки дев! Икковининг ҳам ваҳоҳати чаток, бир-бирига маслаҳат солаётгандек. Бамисоли ҳозирок маслаҳатлари битиб, капитал дунёсини ағдар-тўнтар қилиб ташлайдигандек! Бора-бора бу манзаралар менга эрмак бўлиб қолди. Ўтганда ҳам қарайман, қайтганда ҳам. Ва ҳар гал таажуб билан "Бу йўлдан мендан бошқа одам ўтмасмикан? Катталар-чи? Амалдорлар-чи? Наҳотки, кўрмаса, индамасан!" деган ўйлар кечди кўнглидан. Лекин бировга миқ этолмайман. Кимга айтаман, нима деб айтаман? Ўтган-қайтган барча ўзи кўриб-билиб юргандир? Ҳеч ким индамаяптими, демак, бунда бир сир бор, бир сир!

Дарвоқе, айтиб ҳам кўрганман. Мана шу "ўлмас коммунизм манзили"дан ўтаётим. Тушунмаган каби учаласи ҳам елка қисиб қўйган: Шохруҳ ҳам, Шўхрат ҳам, Шавкат ҳам. Уларга нима — учови ҳам шопир, чамбарак айлангаришдан бошқаси билан иши йўқ. Мана, бугун арзанда меҳмонга хизмат қилмоқ навбати, тамом. Аслида, ҳолаваччаларим, лекин ёшим катта, ўзим ўқиган, баобрў, ҳар ҳафта телевидорда кўриниб, сайраб туришим учун уларни "жиан" деб атайман. Улар шунисига ҳам хурсанд, кимсан — бўлажак депутатни мошинларига солиб юришибди! Ҳолаваччалигу тоғажиянлик ўз йўлига. Учаласиям бўйдоқ, сайловчилар билан учрашувларда мен чиқиб лоф ураётган чоғда булар битта-ярим сулувроқ киз билан кўз уриштириб, чамаси, "Қара, мен қандоқ гапдон билан юрибман! Эртага депутатликка сайланса, сенга совчиликка мана шуну жўнатаман. Қалай, бўладими?"

Начора, ўзим туғилиб ўсган жойлар қолиб номзодим кўшни тумандан кўрсатилган. Беғона эл, нотаниш манзиллар. Пешонасининг ёзиғи билан бир замонлар шу ерларга тушиб кетган холамнинг айтишича, туман ахлининг ярми — рақибим тараф, рақибимнинг одамлари. Рўҳим тушиб кетганини кўриб, "Барибир сен ўтасан, ўлай сенга, Тошкентлардан келгансан, телевидорларда чиққансан! — дейди холам бечора куйиб-пишиб. — У — нима, пули кўп бўлгани билан оддий пахта зовутнинг директори-да!"

Холамнинг ўйи туманининг узок бир чек қасида. Ҳар куни ўша ёқдан қатнашди. Тўғри, Тошкентдан келган номзод сифатида менга туман марказидан жой таклиф қилинган, аммо холам қўймаган: "Рақибинг ўлғудай пулдор, ўлайжон. Пулдорнинг қўлидан ҳар иш келади". Шундай дея меҳрибон холам кўпдан бери одам кирмаган ҳаётдек меҳмонхонасини бўшатиб бериб, уч ўғлини менга навбат-навбат хизматга қўйган.

Учаласиям "гунг-соков": на Марксни эшитган, на Энгельсини. Тагида машина бўлса, айлангаришқа чамбарак бўлса, бас!

Ҳар гал "ўлмас коммунизм хайкалзори"дан ўтаётим ўзимча ўйлайман: "Дохийлар қирон қилинганига кўп йил бўлди, мана шундай битта-яримта қолгани ўзбекистонда бошқа бормикан?" Бор! Ўзим кўрганман. Пойтахт Тошкентда. Улфатлар билан борадиган чойхонамининг ёнбошида. Маҳалла идорасининг олдида чоқина гулзор ўртасида. Баланд-паст гул буталари аро кўриниб-кўринмай туради. Ўзиям мўъжазгина, ёш боладек келади. Ленинча!

Маҳалла оқсоқоли собиқ коммунист, эътиқодда қатъий бир баттол бўлса керак. Бўлмаса, чойхонапалов баҳона қанчадан-қанча одам келади! Орасида кимлар йўқ дейсиз! Бундан чиқадими, ширакайфликда ҳеч ким ё аҳамият бериб қарамайди, ё кўрса ҳам қулибгина қўяди, ёки... кўнглининг туб-тубида заиф бир нима милтилларишкан: шояд, зора, эҳтимол...

Олис тоғ туманида бундан қирқ йиллар бунун кўрганам манзара кўз олдимга келади.

Жамол жўрамнинг отаси Ҳафиз чўлок язанимиз туман марказидаги Чорбоғ аталмиш истироҳат боғида роҳатихон сотарди. Роҳатихон деганлари бир парча музнинг устига шинни қўйиб, жажжи қилоччага солиб берилди. Музаймоқ ўринга. Кип-қизил, муздак-кина, ёзда маза — шунинг учун роҳатихон! Ўша кезлар ҳолодильнигун сувутинг деган матоҳлар йўқ экан-да, Ҳафиз янза эрта баҳорда эшак миниб тоққа борар, хуржунининг иккала кўзини терскэй ўнгирларда тўғриб қолган музга тўлдириб қайтарди. Уни ариқ бўйидаги кекса толлар соя солган чуқур хандаққа қўйиб сақлар, ёз қиянлашган, Чорбоққа кириверишда кўнжайган қизил будкачада ўтириб бизга ўшаган ширинтомोक бола-бақрага пуллар эди. Бир оёқсиз чўлок ҳолида! Эғнида чўнтақ атрофлари қирланган калта оқ

халат, соғ оёғида ҳаққалаганча гоҳ музга хумга эргашиб, гоҳ пештахта четигади ликопчаларга узалиб зумда роҳатихон ясаб беришларига қойил қолардингиз. Серзарда одам. Ҳазилқашлиги ҳам бор. Кўзаларини чақчайтириб, шопмўйловини диққайтириб дўқ урганида ҳам билолмайсиз — ҳазил қиялпими, жажл қиялпими. Аммо ростакам жажл чиққанда кўлтитаёғини отиб бақиради: "Мен бу оёқни урушда ташлаб келганман!" Мулойим чоғларида мен болаларча соддалик билан сўрайман: "Янза, нега оёғингизни ташлаб келгансиз?" Бир лаҳза ўқрайиб турадию фавқулдод бир эринчоқлик билан жавоб қилади: "Энагар Сталинга керак экан..."

Қизил будкача, кип-қизил роҳатихон бизнинг болалик хуморимиз, эрмагимиз эди. Уйимиз марказдан нарироқда, ҳадеб ў ёққа дорийвермас эдик. Борсак, роҳатихон емоққа борар, бошқаси бизни қизиқтирмас эди. Жамол ёлғиз ўғил, эркатой, Чорбоққа у билан борсангиз, роҳатихонга тўйиб қайтардингиз. Тажангфеъл ота арзандасига қолганда бирдан эриб кетар, жажжи ликопчада эмас, каттарок идишга кип-қизил мўъжизани уюб олдимизга қўяр эди. Шу ишни уйда қилсаём бўларди-ю, бу ерда завки, мазаси бўлакча-да.

Лекин ўша сафар роҳатихон еганимиз эсимда йўқ. Боққа кирсак — қизил будкача ёпиқ, пешайвони тушириб қўйилган экан. Ён-

**Эркин АЪЗАМ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси**



верида ҳам ҳеч ким кўринмайди. Боғ ичкари-сидан бўғиқ олаговор эшитилар, чамаси, ҳамма ўша ёқда эди.

Туманининг қоқ ўртасидаги бу манзил чорбоқ — тўртта боғ деса дегулик эди. Тўрт тарафи соя-салқин даратхзор. Катта кўча бўйидаги маданият уйида кино ҳам қўйилади, боғнинг эстагида ҳам кинохона — ёзгиси. Қирган жойда гавжум чойхона, сўри-чорпоярлар. Унчамунча сайилу тантаналар шу ерда ўтади.

Боғнинг ҳар-ҳар жойида одамлар гуҷ бўлиб, алланечўқ ҳадик билан писиб туради. Барчанинг кўзи бир ёқда — ўртада. У ерда нимадур муҳиш бир иш бўлаётир. Кўлтитаёқли Ҳафиз янза ҳам турган тўдани тоқиб, Камол иккимиз суқилдик. Ҳамма қараётган тарафда одам бўйи баробар айлана қирқча бутазор бўлиб, унинг қоқ марказида каттадан-катта бир одамнинг симобранг ҳайкали бор эди. Май байрамларида отам билан сайилга келганимда кўп кўрганман. Гирдидаги бутазор баланд ва қалинлигидан уни бор бўйи кўриб бўлмас, узокроққа бориб қарагандагина узун шинель кийган азамат елкалар, бўртиқ мўйлов ва машур фуражқа намоян бўлар эди.

Ҳозир кимингдир биқинидан мўралаб ўша ёққа боқарканман, бирдан сөздим: ҳайкал жойида йўқ!

Ҳамма шунга қарамоқда, ҳамма шунга хайрон эди, чамаси.

Қуюқ буталар орасидан аввал Турдаш сирининг кучанишдан бужмайган башараси кўринди. Издиҳом бир зум сергак тортиди: гўёки ўртадаги ҳайкал қотиб турган жойидан аста тушиб, бутазорни ёриб чиқиб келмоқда эди! Аскарый шинель ҳам ўша-ўша, фуражқа ҳам ўша-ўша, мўйловлар ҳам... Ўзимизнинг Турдаш девона! Кўраги оша ўтказилган симарқонни торганча ниманидир судраб чиқаётир.

Қишлоқ болаларининг эрмаги бўлмиш бу девонани базилар "Урушдан шундай айниб келган", дейишади. Бошқалар эса, "Урушга бормаслик учун ўзини жинниликка солавериб, ахйир эси оғиб қолган", деб таъбир очади. Индамасангиз, бировга зиёни йўқ. Эртадан кечга қадар ўзича ниманидир гўнғиллаб юради. "Ай! Свайн! Гитлер калут!"дан бошқасини тушунмайсиз. Эғнида эскидан-эски жулдур шинель, бошида бичими қийайиб кетган доғдуғли фуражқа, соч-соқоли оялаб устара кўрмайди. Бола-чақа деганларидан йўқ, албатта. Отасидан қолган ташландик бир чордөвора кун кўради. Икки уқаси қўшни ҳовлида, вақт-бемаҳал ўшалар қарашса керак, яна қайдам дейсиз.

Шўгинанинг ҳам ордона хашамга ўчлигини айтсангиз! Шинель остида мундирининг икки кўраги "орден-медал"га тўла, "қажрамон оша"дан тортиб пионер значогигача қаторлаштириб қадаб чиқилган! Телбалигига мана шуниси исбот бўлмаса, гоҳида одам билан тулпа-тузуқ гап бериб гап олади. Шундан баъзилар уни фойда-зарарда адашмайди диган нимтанг, ўзини атай жинни-санги қилиб кўрсатади, аслида, ўлғудек муғомбир деб билади. Ундай эмас, ундай эмас. Лекин девдек кучи бор. Уюна бериб тўйдирсангиз, девнинг ишини қилади. Унча-мунча одам

бўйига олмайдиган захматларга ҳам мана шу шўрлик балоғардон. Ичимлик шишасини кўрса бас, "айн, свайн"ини айтиб, ҳар қандай юмушга киришиб кетади.

Турдаш олдинга қараб бир силанган эди, зич буталар орасидан оғир симобранг алланима белигача отилиб чиқди. Томошада турганлар бир чайқалгандек бўлди, у ер-бу ердан "И-и-и!" деган бўғиқ сас эшитилди. Шу жойда Турдаш қаддини ростлаб, тевааракка голибона бир назар ташлади. Илжайди. Зўриққаниданми ё боғ ичиган виноданми қизариб кетган. Кейин шошилмайгина шинели чўнтагидан "Байкал" папиросини чиқарди. Шошилмайгина тутатди. Тутунини тўрт тарафга қараб пуфлади. Тантанавор. Янада голибона. Тўрт тараф эса суқутда, хайратда, ҳадикда...

— Ув Турдаш! Давай энди! — деб амр қилди кимдир, — афтидан, бу тадбир, бу томошага бошчилардан бири.

Турдаш папиросининг қолдигини ўша ёққа қараб отдию "Айн, свайн, драйн! Гитлер калут!" дея семон йўлка бўйлаб ҳайкални судрай кетди. Ганчданми ясалган узун жасаду у ер-бу ерга тегиб, тақ-туқ овоз чиқарарди.

— Ув энагар, секироқ! — деди томошабинлардан кимдир юрак ютиб. — Дохий у ахир, дохий!

Турдаш баттар қилмоқчидек ҳайкални қаттироқ силқилаб, маданият уйи ва ошхона ўрта-

сидан ўтган йўлак орқали катта кўчага ошиқди. — Бу ҳароми шу кетишда ё бўйинини, ё шапкасини бир бало қилади. тўчи! — деб тумоллади ана биров.

— Э, бўйингаям, шапкасигаям!..

Ҳамма аланглаб бу гапни айтган одамни қидирган бўлди-ю, кўпчилиги хангома қувиб Турдаш девонанинг ортидан эргашди.

Ҳафиз янза кўлтитаёғини зарб билан ерга уриб ортига буриларкан, арзандаси Жамолга кўзи тушиб, тўсатдан ўшириб берди:

— Сен бу ерда нима қилиб юрибсан?!

Ҳайкалнинг бошимиз-бўйинимиз шикаст кўрган кўрмаганини билмайман-у, эшитишимча, у ўшанда бир неча замон туман коммунал хўжалик идорасининг ҳовлисидаги бир бурчакка тика қилиб қўйилган. Бу жой катта кўчадан ичкарироқда бўлгани учун кўздан пана, унча-мунча дингқулоқ беҳабар қолиб, унутила бошлаган. Орадан талай вақт ўтиб машамашанинг орқаси совигаҳ, сой лабида яшайдиган, бошида сталинча шапка, ўзи ҳам дохиймонанд кийиниб юриадиган бир ҳайкалпараст комжўз идорасини рози қилибми, ҳайкални олиб кетиб, ҳовлисига ўрнатиб қўяди. Сойга чўмилишга бораётиб дохийнинг девор узра қосалиб турган фуражқасио донгдор мўйловини кўриб қолардик.

"Ҳайкалпараст семилми дохийсини кечалари кучоқлаб ётармиш" деган гап ҳам чиқди-ю, бунисига ҳеч ким ишонгани йўқ: "Совукдан-совуқ ганчини кучоқлаб нима бахра, семизгина хотини бор-қу?..."

Яна эшитишимча, буниси энди кейинроқ экан, қишлоғидаги мўътабар ҳайкалу уни кўз қорачиғидек асраб юрган садоқатли ҳайкалпарастдан хабар топган тўрт-беш грузин келиб у билан ошна тутинганмиш ва қавмдошларининг ҳайкали эвазига унга қора "ЗИМ" машинасини ҳадя қилиб кетганимиз.

Бошқасини билмайман-у, ўша ҳайкалпараст амакимиз туманининг марказий кўчасида қора "ЗИМ" ҳайдаб юрганни ўзим кўрганман.


...Ҳар кун икки маҳалдан кўриб юрганларим ҳовливанг ҳовласи экан, бўйи эгини эшитинг.

Собиқ "Социализм" колхозига қараб кетаётган эдик. Собиқ курсдошим, бугунги ишончли вақилин Тошбойнинг айтишича, ўша собиқ машъал хўжаликнинг собиқ раиси Эрман катта "Шайир депутатни бери олке, бутун колхозни оғдириб бераман", деганимиз.

Қаранг, "шайир депутат"дан бошқа бари собиқ!

Мана, ўша собиқларнинг изми билан икки машина бўлиб йўлга чиққанмиз. Олдинги машинада бизникилар: Партия опамиз, Тошбой ва ўзим; рўлда бугун Шўхратбеғимиз. Рақибларимиз кейинги машинада, бизга кўз-қулоқ бўлиб келишяпти: улар беҳабар, йўл-пўлда бирор буғунчиликни бошлаб қолишимиз мумкин-да!

Тошбойнинг кимлигини айтдим: депутатликка номзод, яъни менинг ишончли вақилим, боз устига, эски курсдошим. Сайловчилар билан учрашувда сўзга чиқиб ҳолдан тойгунча мени мактайдми: даволатим чатоқ бўлса-да, дарсларга қатнамай ҳам қандоқ зўр ўқиганларим, дўсту ёрга садоқатим (мисоллар билан), тенгсиз шоирлигим! Таърифлариға офарин-у, лекин номзодлик масаласи қолиб талабалик хотирала-



рига берилиб кетганига нима дейсиз! Бирор гапига эътироз билдириб, луқма солгудек бўлсангиз, "Сен жим ўтир!" дея ҳаммининг олдида дўқ уриб бўлажак депутатни изза қилади.

— Ув! — дейман учрашувдан сўнг жоним чиқиб. — "Шоир, шоир"лаб вайсаб ётибсан, беш йил ўқиб, жанрнинг жанрдан фарқини билмайсанми, ошвоқоқ! —

— Оғзингни юм! — дейди Тошбой куйиб-пишиб. — Сен бу ерда шоирсан, тамом!

— Шеърлардан эшитайлик, деб қолишса нима қиламан?

— Қўрқма, ҳеч ким сўрамайди — шеър ёзмастлигингни ҳаммаси билади. Лекин ёзувчи-позувчи деган сўзни оғзинга олма, чангингни чиқариб ташлайди — сайланиб бўпсан кейин!

Партия опамиз мен умримда яқинлашмаган, аммо замона зайли билан бугунга келиб каминани депутатликка номзод қилиб кўрсатган қудратли фирқанинг, дарвоқе, ўша фирқа ворисининг тумандаги ишонган одами. Кийим-бошию соч турмаги ҳам шунга мос, сипо: кўнғиртоб костюм-юбка, соч орқага силлиқ таралиб, калава ясаб қўйилган. Қолган жиҳати эса батамом тескари — на гапни билади, на дўғу сийёсатни. Овозини эшитиб танг қоласиз — худди уйдан чиқмаган ўн саккиз яшар хонаки қизнинг ўзгинаси, мингиллайди. Гапирганда ердан кўз узмайди, салга дув қизариб кетиш одати бор. "Бу ташкилотга адашиб келиб қолган, шекилли", дея ўзимча мулоҳаза билдирсам, Тошбой устимдан қулган бўлади: "Адашиб бўпти! Орқатоглари зўр бунинг. Келажакда ўсиши учун атай шу ерга ўтказиб қўйилган". Ажабо, қани одатдаги гапдонлиғу ўқтамлик? Овоздаги темир жаранги қани? Ҳа-а, фирқаси ҳам пугурдан кетиб, мана шунчага писиллаб гапирадиганларга қўли қолган ҳозир.

Ўзинг ҳам мана шуларга суянгандек, шулардан имдод кутгандек бўлиб юрибсан-ку, ношукр банда, оғзингни юмсанг-чи!

Қишлоққа кириб, йўл ёқалаб кетган қатор оқ бинолар ёнидан ўтаётганимизда яна ўша таниш ҳолатга тушдим. Бунисини энди олдингиларига қийслаб ҳам бўлмасди. Туш кўряпман шекилли деб ҳам ўйлабман.

Аваллига қўлини чўзиб порлоқ коммунизм йўлига ундаб турган дохий Ленин ҳайкали кўринди. Йигирма қадам ўтар-ўтмас содда, довдирроқ туолгани билан аслида пихини ёрган ишратпараст қария — оқсоқол Калинин бўй чўзиб қолди. Буларига чидаса бўлар, ҳарқалай, юрт мустақилликка чиққанига эндигина тўрт-беш йил бўлди, чет-четларда битта-яримта мана шунча ўтмиш сарқитлари сақланиб қолган бўлса қолгандир — вақтинча!

Бирок хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, яна йигирма қадамлар нарида "халқлар отаси" Иосиф Виссарионович Сталиннинг шахсан ўзи савлат тўкиб қаққайган эди! Ўша узун шинель, ўша фуражқа, ўша шоп мўйлову ўша ваҳоҳат! Хали эслаб ўтилди, бунақасини қирқ йилдан бу ёғига энди қўришим эди. Ошқора безбетлик! Ошқора жаҳолат! Наҳотки, ана шу қирқ йил бадаллида буларни ҳеч ким кўрмаган, билмаган?! Бу қишлоққа ҳам туман катталари келиб турар, марказ томонлардан ҳам битта-ярим вақилиннинг йўли тушгандир? Худди биروق мени мазаҳ қилаётгандек мадад истаб шериқларимга қарайдим. Тошбой келгандан боши оғрибми, мудраб келар, парвойи палак эди. Бу нарсаларга "қалласи билан жавоб бериши керак" бўлган опажонимиз эса тамоми девор — олдинги ўриндиқда ўзининг уятчан ўйлари билан андармон.

Майли, ҳозир мавриди эмас!

Эрман катта деганлари етмиш-етмиш беш ёшлардаги, аммо тетик-чаққон, асти секин гапиролмайди дегани киши экан. Гирдига қишлоқ ахлини йиғиб бизни ростакам тантана, карнай-сурнай билан кутиб олди. Хотирам дамаса, атлас қўйлаб қийиб ўйинга тушган қизалоқлар нон-тўйд қўтарган жувонлар ҳам бор эди-ёв. Учрашув ёғи клубда бўлди, Эрман оқсоқол микрофон-пиркофонсиз ҳар ёнга жар солиб, мени роса омонга қириб ташрифлади. Айтишчи, отам билан ошна экан, ўзи бу ердан, отамиз эса қўшни тумандан "актип бўлиб бориб областдаги шахсан Рашидов бобо ўтказган катта-катта мажлисларда бирга қатнашган" экан. Керак бўлса, ҳав колхознинг ўртасида оқариб турган икки қаватли мактабни ҳам кўчма қурилиш идорасига бошлиқ бўлганида бизнинг ота қуриб берган экан. Ана, қарсақни кўринг! "Эрман сайловда қайсинг мана шу шайирга овоз бермасанг, сўнгра мендан ўпкалаб журма!" дея тўрт тарафга бармоқ нуқиб, элга ошқора зўғум ҳам қилиб қўйиб олди. Бу пўписларга биров миқ этиб эътироз қилгани йўқ. Холам айтмиш "пулдор" рақиб томон ҳам чурқ этолмай ўтирарди. Чамаси, кўп йиллар колхозга раислик қилган, ҳайқирмасга гапиролмайдиган бу валломат ҳеч қимдан тилқисқ эмас, акинча, ҳамма ундан чўчиб-хайиқиб турар экан.

Тадбирдан кейин хўжалик маъмурияти та шаббусни қўлга олиб, марказий ошхонанинг биқинидаги чоғроқ хосхонада чой ташкил қилди. Бемалолроқ ўтирайлик дейилди-ми, чолни қишатамди. Шундай маросимнинг қайвониси охирида менга синиққина куларим сираб, "Хай-да, улим, Худо хоҳласа, сайловдан сўнг учрашамиз. Ошнамизга салом айтиб қўясиз", дея хайр-маъзур қилиб бўйга қайди.

Йўлдаги дилғашликка буниси ҳам қўшилиб жиловни хиёл бўшаштирган эканман, устма-уст ичилган "чой"дан қизишиброқ қолибман. Пайт пойлаб Партия опага ҳужум қилдим. Гапни ҳазил-хузулдан бошладим: бу қишлоқда ҳайкални яши қўришар экан-а, дохийпарастлик, сталинпарастлик касали ҳалиям қонимизда бор-да, бунинг сабаби нима бўлсаки, эрта бир кун иккаламизнинг (яъни Тошкентлардан номзодликка келган каминанинг ҳамда мафкура масалаларига жавобгар ҳисобланмиш опамизнинг!) бошимизда калтак синмаса эди...

Мендан тўрт-беш ёш кичик опажон сийёси дағдағаларимни дастурхон попугини ўйнаб жимгина, ювошлик билан тинглаб ўтирди-да, бир маҳал илкис бош кўтариб, ранги бир алвон, чийиллаганча сайраб қолсам денг:

— Тўрт йил аввал ҳам Тошкентдан бир шоир келган эдилар. Сайланмиш. Ўша кишини Эшмирза Холматовичга (собиқ сарқитининг айтишга) кабинетларидаги Горбачёв бобонинг портретини кўрсатиб, бунди тез даф қилинг, деб эдилар...

— Хўш, кейин-чи? — дедим ичим қизиб.

— Кейин, ўзингиз биласиз-ку, сайловдан ўтолмадилар.

Музладим, музлам бўлдим. Оббо, писмиғ-эй! Кесақдан ўт чиқди-ку!

Хайрият, Тошбой жўрам жонимга ора кирди.

— Қўйлик ўша эски гапларни, — деди у ясама хушвақтлиқ билан. — Энди замон бошқа.

Шоирдан шоирнинг фарқи бор, синглим!

Тошбой сувга қараб гапирган экан, Партия опанинг эса башорати сув олмади — камина депутатликка сайландим.

Келаси йили сайловчиларим билан учрашгани келганимда Тошбойдан эшитдим: янги замон шарофати билан етмиш беш ашар Эрман бобо раисликка номзодини қўйиб ютиб чиқибди ва ана колхозга раис бўлибди! "Депутатимизнинг қораси кўринди дегунча, олдинга солиб келасан!" дея қаттиқ тайинлаганимиз Тошбойга.

Икки соатгинага деб бориб, чолнинг колхозида икки кунча қолиб кетдик.

— Топширигингизни бахардик, депутат бобо! — деди чол хайрилик илк соатлардаёқ.

— Қанақа топшириқ? — дедим тушунмай!

— Мана, Тошбойкулга айтиб кетган экансиз-ку! Учовгинасини таг-туби билан кўпорттириб ташладим.

— Эй-й, яшанг! Ана бу бошқа гап! — дедим гап ҳайкаллар ҳусулида бораётганини билдиб. — Қаёққа элтиб ташладингиз?

— Йй, ий, унақа нарсаларни бирон ёққа ташлаб бўлма, улим! Авайлабгина, бўз матога ўрабгина колхознинг омборига элтиб қўйибман.

— Ҳах, муғомбир бобом-эй! — дедим шўхлик билан. — Эрта бир кун замон ўзгариб қолса, яна қайтадан, а?.. Қўрқансиз-да?

— Нимадан қўрқаман, улим-эй! Энди мен қарияни бошига урама денг! Қишлоқда ким кўп — язувчи-ғаламис қўп! Шулардан бирор-тасига иштон-пиш

"Тасвирий ва амалий санъат фестивали" аини баҳорда ташкил эти-
лишининг ўзига хос хусусияти бор. Бу фаслда нафақат табиат уйро-
нади, балки атроф гўзаллиги ижодкор аҳлига илҳом баъишлайди. Пой-
тахтимизда ажиб манзара касб этган баҳор ва фестиваль уйғунлиги
шу кунларда Ўзбекистон Бадий академиясининг кўргазмалар зали ва
хисбоналарига ҳам кўчди.

Тадбир Шарқнинг машҳур му-
саввири Камолитдин Бехзод
хайкали пойига гул қўйиш маро-
сими билан бошланди. Халқ
рассомлари, халқ усталари,
хунармандлар, санъаткорлар,
юртимиздаги элчионалар хо-
диллари, кенг жамоатчилик ва-
киллари, устозлар ва талабалар
иштирокидаги фестивалнинг
очилиш маросими байрамона
тус олди. Сўзга чиққан Ўзбеки-
стон Бадий академияси раиси
Акмал Нуриддинов ва бошқалар
мамлакатимиз Президентини раҳ-
намолигида амалга оширилаёт-
ган барча ишлар ёш ижодкор-
ларнинг бахту саодати, уларнинг
ёруғ келажига хизмат қилиши-
ни таъкидладилар. Бангладеш
Халқ Республикаси элчиси Мос-
суд Маннан фестивалнинг
аҳамияти ҳақида сўз юритиб,
иштирокчиларни чин дилдан қўт-
лади. "Фаол инвестициялар ва
ижтимоий ривожланиш йили"га
бағишланган тадбирда ҳафта
давомида таниқли рассомлар,
хайкалтарошлар, хунармандлар
ва қўлигул усталарнинг сара
асарларидан ташкил этилган
кўргазмалар, улар иштирокида
устоз-шогирд дарслари, қизи-



Нигоҳ

туркменистонлик рассом Мамед
Ярмамедовнинг олтишдан зиёд
асарлари илк бор намойиш этилмоқ-
да. Рассомнинг ишлари миллий руҳи,
анъаналарга бойлиги билан диққатни
тортади. Ҳафталикнинг иккинчи кунини
Камолитдин Бехзод номидаги Шарқ
миниатюра санъати музейида Чингиз
Аҳмаров ва унинг шогирди Содик Раҳ-
моновнинг "Мўйқалам ила ёзил-
ган назм" номли экспозиция, "Ка-
молитдин Бехзод издошлари"
республика ижодий танлови яку-
ний кўргазмасининг очилиши
ҳамда голибларни тақдирлаш маро-
сими бўлиб ўтди. Халқаро Ма-
даният карвонсаройида очилган
Халқ амалий санъати секцияси-
нинг кўргазмаси ҳам томошабин-
лар билан гавжум бўлди. Унда
наққошлик, ёғоч ўймакорлиги,
ганчкорлик, кулолчилик асарлари
ва миллий чолғулар намойиш
этилди. Тадбир доирасида ёш му-
саввири қизлар танлови ўтказил-
ди. Голиблар диплом ва эсдалик
совғалари билан тақдирландилар.
Ҳафталикнинг учинчи кунини қизи-
қарли воқеа-ҳодисаларга бой
бўлди.

Бадий академиянинг кўргаз-
малар залида Республика ихти-
сослаштирилган рассомлик мак-
таби томонидан тайёрланган
"Шарқ композицияси" номли та-
рихий либослар лойиҳаси намо-
йиш этилди. Халқаро Маданият
карвонсаройида кулоллар Нази-
ра Кўзиёва ва Фаина Деденёва-
ларнинг маҳорат дарслари бўлиб
ўтди. Тошкент Фото уйида Мил-
лий рассомлик ва дизайн инсти-
тутининг профессори Собир Раҳ-

БАҲОР, ЁМФИР, ФЕСТИВАЛЬ...

қарли учрашувлар бўлиб ўтмоқда.
Пойтахтимизнинг энг катта кўргазма
залларида таниқли санъаткорларнинг
нодир асарлари, шунингдек, навхи-
рон авлод вакилларининг ёшлик на-
фаси уфуриб турган ижод намуна-
лари намойиш этилмоқда.

Марказий кўргазмалар залига
қўйилган Алишер Алиқулловнинг "Имом
Бухорий ҳаёт йўллари ва мероси",
"Имтиҳон" каби маҳобатли ижод на-
муналари фестивал иштирокчилари-
га яхши кайфият бағишлади. Бирин-
чи қаватдаги залга улғуворлик бағиш-
лаб турган мазкур асарнинг ярати-
лиши ҳақида рассом шундай деди: "Бу
суратлар Имом Бухорий музейида
сақланади. Уларни яратиш осон ке-
чмади, албатта. Улғу алломанинг ҳаёти
ва ижодини интернет саҳифаларидан,
тарихий китоблардан ўқиб-ўргандим.
Олим ҳақида жуда кўп қизиқarli маъ-
лумотларга эга бўлдим. Айниқса, "Им-
тиҳон" номли асаримда акс эттирил-
ганидек, ўндан ортик олибмурувчи
алломанинг билимини синаб кўришди
ва унинг зехинга қойил қолишди." Ик-
кинчи қаватдаги кўргазма залида рас-
сомлар Р.Худойбергеновнинг "Хурмо
пишганда", "Хаёл", Ш.Жуманиёвнинг
"Раққоса", "Кўнғир гўзали"
каби портретлари, Б.Торбаевнинг
"Кўк қуш", "Тоғларда тонг", С.Қосимо-
ваннинг "Лисон ут-тайр", У.Ражабов-
нинг ижтимоий фалсафа ва кундалик
хаёт манзаралари акс этган "Кўчиш",
"Йўлда", "Тарвуз сотиш", "Бекатда. 91-
автобус" каби асарлари хорижлик меҳ-
монларда қизиқиш уйғотди. Ғурумса-
рой кулолчилик мактабининг вакили Ва-
ҳоб Буваев ижодидан намуналар шакл
ва ранглари мутаносиблиги билан
томошабинларга манзур бўлди. Банг-

ладеш, Озарбайжон, Индонезия, Қозо-
ғистон каби мамлакатларнинг миллий
либослари, чолғулари ва турли буюм-
лари ҳам кўпчиликка маъқул бўлди.

"Витраж, яъни ойнага гул чизиш
санъати нозиклиги билан ажралиб
туради, — дейди Миллий рассомлик ва
дизайн институти талабаси Зайнобид-
дин Усмоналиев. — Бу санъат саб-
тоқатни талаб қилади. Агар бўёғи кўп
ёки кам бўлиб қолса, қайта тузатиб
бўлмайди."

Ёш ижодкор ўқувчи-талабалар фести-
валда фаол иштирок этмоқда. Рес-
публика рассомлик, дизайн коллеж-
лари, тасвирий санъат мактаблари,
Миллий рассомлик ва дизайн инсти-
тути, Тошкент давлат Педагогика уни-
верситети, Чирчиқ давлат Педагогика
институти талабаларининг ўзига
хос ижодий мусобақалари қизиқarli
тус олди. Марказий кўргазма зали
олди ва атрофларида ёшлар ижоди-
дан таркиб топган экспозиция ажиб
манзара касб этди. Кимдир портрет,
кимдир манзара чизади, бири ўйма-
корлик, бошқаси чарч айлантириш бил-
лан банд. Ушбу жараёнга уйғун мусика
садолари қулоққа ёқимли эшитилади.
Тошкент Педагогика университети-
нинг "Тасвирий санъат ва муҳандис-
лик графикаси" бўлими талабалари
Умида Улугбекова ва Малика Наримо-
ва иштиёқ билан тикаётган кашта на-
фислиги билан кўпчилик эътиборини
тортади. Қизларнинг қўли чаққон ҳарак-
атланади, нигоҳларидан мамнулик
уфуриб турибди. Республика ихтисос-
лаштирилган санъат мактаб-интер-
нати ўқувчилари темир-терсақ, пласти-
линдан турли ҳашорату ҳайвонларни
қизиқarli шаклларда яратишган.

Тасвирий санъат галереясида

метов раҳбарлигида "Устахона" лойи-
ҳаси, театр декорацияси рангта-
свири кафедраси, либослар дизайни ка-
федраси кўргазмаси очилди. Шу кунини
Тасвирий санъат галереясида рассом
Акмал Икромжонов ва шогирд-
ларининг кўргазмаси очилди. Таниқ-
ли мусавир Иброҳим Валиқўжаев: "Бу
каби фестиваллар, аввало, ёшлар ва
мураббийлар учун жуда муҳим. Фести-
валь давомида янги талантлар кашф
этилади, уларнинг ижодига яқиндан
назар солиш имкони туғилади. Рас-
сомлар ўзлари билганларини ёш
ижодкорларга меҳр-муҳаббат билан
ўргатишларига умид қиламан. Зеро,
устоз-шогирд аънавалари бардавом
экан, тасвирий санъат гуллаб-яшна-
веради", деди фахр билан.

Тўртинчи ва бешинчи кунлари Ўзбе-
кистон Бадий ижодкорлар уюшмаси-
нинг анжуманлар залида "Санъат ва
бадий таълим: инновация жараён-
лар ва XXI асрга доир самарали ўзаро
таъсир масалалари" мавзусида халқ-
ро илмий-амалий конференция бўлиб
ўтди. Халқаро Маданият карвонсаройи-
да маҳорат дарслари ўтилган бўлса,
Тошкент Фото уйида Миллий рассом-
лик ва дизайн институти талабалари-
нинг замонавий ва аънавий либос-
лари намойиш этилди. Бадий акаде-
миянинг кўргазмалар залида Респу-
блика ихтисослаштирилган санъат мак-
таб-интернати томонидан тайёрланган
концерт дастури иштирокчиларга ман-
зур бўлди. Ҳафталик эртага, Марказий
кўргазмалар залида фаол иштирок-
чиларга соврин ва дипломларни та-
нанили топшириш маросими билан
яқунланади.

Сарвара ҚОСИМОВА

"KINO SAN'ATI"

Ўтган ҳафта якунида "Ўзбекино" Миллий агентлиги му-
ассислигида нашр этила бошлаган "KINO SAN'ATI" журна-
лининг биринчи сони тақдироти бўлиб ўтди. Ўзбекистон
Ёшлар иттифоқининг ёшлар пресс-клубида ўтказилган маз-
кур тадбирда таниқли кинорежиссёрлар, актёрлар, ёзувчи,
шоирлар, ОАВ вакиллари ва талабалар қатнашди.
Тадбирни филология фанлари номзоди Ш.Ризаев
олиб борди. Маросимда сўзга чиққан "Ўзбекино"
Миллий агентлиги бош директори Ф.Зокиров, жур-
нал бош муҳаррири Л.Тангриев, санъат ва адабиётимизнинг
таниқли намояндаси И.Ғафуров, Э.Аъзамов, А.Мелибоев,
Ж.Қосимов, Г.Зокирова, Д.Каримова ва бошқалар нашрнинг
келгуси ишларида муваффақият тилаб, тақлиф ва мулоҳа-
залари билан ўртоқлашдилар.

Янги журналнинг илк сони "Ўзбек кино санъати: бугунги
жонлиқдан эртанги юксалишга" номли мақола билан очил-
ган. "Ўзбекино" Миллий агентлиги бош директорининг би-

Янги нашр

ринчи ўринбосари билан уюш-
тирилган суҳбатда кино санъ-
атининг моҳияти хусусида баҳс
юртилган. Ж.Қосимовнинг су-
ратга олинаётган "Исҳоқхон
Ибрат" фильми ҳақидаги, ма-
шҳур Зокировлар сулоласи-
нинг навқирон вакили Ж.Зо-
кировнинг су-
лола вакилла-
ри борасидаги
уй-фикрлари,
жаҳон кино устаси Ингмар
Берман сиймосига чизилган
ўқувчини бефарқ қолдирмай-
ди. "Очигини айтганда",
"Nostalgie", "Тақдиротдан сўнг" рунқларида берилган мате-
риаллар, режиссёр С.Назармухамедовнинг ёшларга тавси-
ялари ҳамда миллий мультсериал ҳақидаги мақола ҳам жур-
налхонларга манзур бўлади, деб ўйлаймиз.

НУРЛИ ЧЕҲРАЛАРНИ ЭСЛАБ

1998 йил апрель ойида Қўқон
давлат педагогика институтида эли-
мизнинг ардоқли фарзанди, Ўзбе-
кистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф
билан талабаларнинг учрашуви
бўлиб ўтган эди. Учрашувда мен ҳам
иштирок этгандим. Бу учрашув
ҳақида шоирнинг ғойибона мухли-
си, кадрдоним, Темир йўл ишчилар
таъминоти бўлими раҳбари Маҳмуд-
жон Умаров эшитиб қолганди.

— Ие, беҳабар қолибмиз-да,—
деди у таассуф билан. — Энди
гап бундай. Сиз шоир билан
яқинмисиз?

— Жудаям кадрдон эмас-
ману.... лекин салом-алигимиз бор.
— Ундай бўлса бир иш қила-
миз. Сиз бориб шоирни меҳмонга
тақлиф қиласиз. Соё бўйидаги чой-
хона бор-ку, ўша жой маъқул. Бир
соатдан кейин меҳмонни олиб ўтиб
бораверасиз.

Меҳмонхонага борсам Муҳам-
мадхон хонасида экан. Беш-ўн
дақиқа суҳбатлашгач, жўралар уни
меҳмонга тақлиф қилишаётганини
айтдим.

— Қандоқ бўларкин? — шоир хи-
жолатомуз жилмайди...
— Дўстларимиз сизни яхши би-
лишади, — дедим шоирни хотир-
жам қилиб. — Улар ҳақиқий мух-
лисларингиз...
Орадан ярим соат ўтгач, шундоқ

ёнгинасидан Октепсой шарқираб
оқадиган чойхонага етиб келдик.
Маҳмуджон соё бўйидаги азим то-
лар соё ташлаб турган сўрига дас-
турхон тузабди. Хуллас, суҳбат,
ҳазил-мутойиба аини қизиган палла-
да Маҳмуджон Муҳаммад Юсуфга:
— Шоир ака, сиз халқимизнинг
ардоқли шоирисиз. Шу ерда ўтир-
ганларнинг ҳаммаси сизнинг мух-
лисингиз. Янги ёзган шеърларингиздан
ўқиб берсангиз.

Муҳаммад Юсуф маъқуллаб бош
ирғаб, бир оз ўйланиб турди-да,
"Дўппи" сарлаҳали шеърини ёддан
ўқий бошлади:

Дўппи қиймай қўйди одамлар,
Бир шоир бир носирдан бошқа.
Соцлар силлиқ, силлиқ қадамлар,
У оғирлик қиялти бошга...
Рост дўппилар,
Ёлгон дўппилар,
Киноларда қолгон дўппилар.
Чусг дўппилар,
Анжон дўппилар,
Мунчоқдек Марғилон дўппилар...
Шеър тугаши билан даврада
қарсақ, олқиш янгради.
— Зўр ёзисиз, — деди Маҳ-
муджон шоирнинг елкасига қоқиб.
— Коса тағида нимкоса деганла-
ридек боллабсиз. Тўғриси, дўппи

бош кийим сифатида табаррук.
Кийгандан кейин бош ҳам дўппига
муносиб бўлиши керак-да.

— Мавлоно Шайх Саъдий ҳаз-
ратлари, — дедим мавзунини давом
эттириб, — айтадиларки: "Қалла бўш
бўлса-ю қозондек салла, хайф унга
бундайн салла-ю қалла".

Даврадагилар баравар кулиб
юборишди...
Мана, ўша воқеага ҳам йиғирма
йилдан кўп вақт ўтибди. Гоҳида

Муҳаммад Юсуф билан бирга
ўтирган ўша файли даврани
юрагим орзиқиб эсламан. Бу
орада кадрдоним Маҳмуджон
ҳам оламдан ўтиб кетди. Шундай
кезлари шоир билан кадрдон
дўстимнинг нури чехралари кўз
ўнгимда намоеён бўлади. Уларнинг
руҳларига дуолар қилар эканман,
юрагимдан ситилиб чиққан армон-
ли мисраларни тақрорлайман.

Шукрки, ўчмағай сиз қолдирган из,
Даврада ёлғизим тақвор ва тақвор.
Жондан бўлай, суёқ фарзандларингиз —
Қалбда қалбингиз ҳарорати бор.

Умр кечирдингиз мард инсонга хос,
Меҳр таратарди жўшқин қалбингиз.
Аллоҳ даргоҳига чорлаш хайот!
Нурга тўлиб турсин энди қабрингиз...

Носир ЗОХИД,
Ўзбекистон Ёзувчилар
уюшмаси аъзоси

ГОЛИБЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Камолитдин Бехзод номидаги Шарқ миниатю-
ра санъат музейида Ўзбекистон халқ шоири Му-
ҳаммад Юсуф таваллудининг олтиш беш йил-
лигига бағишланган "Муҳаммад Юсуф сиймоси
тасвирий санъат асарларида" деб номланган та-
нлов-кўргазманинг очилиши ва голибларни тақ-
дирлаш маросими бўлиб ўтди. Мазкур тадбир "Му-
ҳаммад Юсуф" номидаги жамоат фонди, "Олтин
қалам" газетаси тахририяти, Ўзбекистон Балтий
академияси, Ёзувчилар уюшмаси, Миллий рас-
сомлик ва дизайн институти ҳамда нуфузли таш-
килотлар ҳамкорлигида ташкил этилди.

Тўртта йўналиш бўйича ўтказилган танловнинг
биринчи ва иккинчи босқичлари март-апрель ой-
ларида бўлиб ўтди. Танловга тақдим этилган ижо-
дий ишлар Миллий рассомлик ва дизайн инсти-
тути профессор-ўқитувчилари, "Муҳаммад Юсуф"
номидаги жамоат фонди вакиллари томонидан ба-
ҳоланди. Ҳаёбат улласига кўра, Муҳаммад Юсуф
сиймосини яратиш йўналиши бўйича Миллий рассомлик ва
дизайн институтининг талабаси Зиёдулла Жумаевнинг "Ило-



Музейидан ўрин олади.

ҳий муҳаббат" асари, ҳайкалтарошлик
йўналишида эса мазкур институтнинг
биринчи босқич талабаси Элмурод Ис-
момовнинг оддий пластлиндан иш-
ланган ҳайкалтарошлик мажмуаси би-
ринчи ўринга лойиқ топилиши ҳамда
диплом, шоирнинг асарлар тўплами
ва пул мукофоти билан тақдирланди. "Шоир
шеърларига ишланган энг яхши тасвирий
санъат асарлари", "Шоир ижодига бағишлан-
ган илмий-оммабоп мақола" каби йўналиш-
лар голиблари ҳамда ҳар бир йўналишнинг ик-
кинчи, учинчи ўрин соҳиблари ҳам диплом,
шоир асарлари тўплами ва пул мукофотлари-
га эга бўлишди.

Ғолибликни қўлга киритган муаллиф-
ларнинг асарлари Андижондаги Муҳаммад
Юсуф мемориал музейи, Ўзбекистон Ёзув-
чилар уюшмаси музейи ва шоирнинг уй-
музейидан ўрин олади.

Гулмира ОХУНОВА, талаба

МАЪРИФИЙ САБОҚ

Яқинда Ўзбекистон Республикаси
ИИВ Ёнгин хавфсизлиги институтида
"Китобхонлик бизни бирлаштиради"
мавзусида маърифий тадбир ўтказилди.
Унда Сергели туманидаги 2-, 3- ва
285-сонли умумтаълим мактаблари-
нинг ўқувчилари, туманининг Чортоқ,
Ал-Фарғоний ва Йўлдош номли ма-
ҳаллалари фаоллари, жамоатчилик
вакиллари мазкур институт профессо-
р-ўқитувчилари, тингловчи ва курсант-
лари иштирок этишди.

Тадбирда сўзга чиққан профессор-
ўқитувчилар ва курсантлар институт-
да "Китобхонлик маданиятини юкс-
алтириш — буюк мақсадларимизга
эришишимиз муҳим кафолатдир"
шiori остида турли маърифий тад-
бирлар ўтказилаётганини
таъкидладилар.

Шундан сўнг "Китобхон-
лик бизни бирлаштиради"
хайрия акцияси доирасида
Ёнгин хавфсизлиги институтида жорий
йил март-апрель ойларида курсантлар
ва ёш ходимлар ўртасида тўрт босқичда
ўтказилган "Энг яхши китобхон" кўрик-

танлови голибларини тақдирлаш, "Ки-
тобхон шаҳар" лойиҳаси доирасида ин-
ститут ҳудудида аҳоли, айниқса, ёшлар
учун мулжалланган беғул халқ кутубхо-
насини очиб ва таълим муассасасини
битирган, шунингдек фаолият юритган
ҳамда бугунги кунда турли масъ-
улиятли лавозимларда ишлаётган
раҳбар ходимларнинг институт
кутубхонасига китоблар жамлан-
масини соғина қилиш билан бог-
лик тадбирлар ўтказилди.

Ботир СОБИРОВ,
ўқитувчи

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти бўш ўринларга танлов эълон қилади

ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ҚУЙДАГИ
ҲУҶЖАТЛАР ТАҚДИМ ЭТИЛИШИ ЛОЗИМ:

1. Ректор номига ариза;
2. Ишловчининг шахсий варақаси;
3. Маълумоти, илмий даражаси, илмий унвони ҳақидаги диплом нусхалари;
4. Паспорт нусхаси;
5. Илмий ишлар рўйхати (илмий котиб томонидан тасдиқ-
ланган ҳолда);
6. Малака оширилганини тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси;
7. Меҳнат дафтарчасининг нусхаси.

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой му-
датда қабул қилинади.

Манзил: 100164, Тошкент шаҳар,
Яланғоқ даҳаси, 127-а" уй.
Телефонлар: 71-230-28-02, 71-230-28-11

Ўзбек Миллий академик драма театри жамоаси
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Рустам
Каримовга онаси

Рохат БЕРДИЕВанинг
вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва "Ижод" жамоат
фонди уюшма аъзоси Исмаилов Илҳомовна онаси

МУҲТАРАМА аянинг
вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Манзил: Тошкент — 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Электрон манзил: uzas.gzt@mail.ru

Муассис:
ЎЗБЕКISTON
ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

Бош
муҳаррир
Ўқтам
МИРЗАЁР

Тахририятга келган қўлёзмалар таълим этилмайди ва муаллифларга қайтариб бериб
Муаллифлар фикри тахририят нукта назаридан фарқланиши мумкин.

Масъул котиб — Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир — Ҳумоюн АКБАРОВ
Саҳифаловчи — Зафар РЎЗИЕВ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида
26.11.2014 йил 0283-рақам билан рўйхатга олинган.
Адади — 6349. Бюроми Г — 455.
Ҳажми — 3 босма табақ А — 22.
Нашр кўрсаткичи — 2.2.
Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 5 6

Таъкид ва адабиётшунослик бўлими: 233-57-42 Санъат бўлими: 233-56-40
Назм ва наср бўлими: 233-58-60

ЖУМА КУНЛАРИ
ЧИҚАДИ.

СОТУВА НАРХИ
ЭРКИН.

ISSN 2303-634X

Босишга топшириш вақти — 21.45.
Босишга топширилди — 20.20

7 7 7 2 8 1 6 1 4 0 0 0